

# ЁШЛАР ВА ТУРМУШ ҚУРИШ

## ҲАҚИДАГИ ФАТВОЛАР

[ Ўзбекча ]

فتاوی في أبواب الزواج

[باللغة الأوزبكية]

Бир қанча олимлар фатволари жамланган

نخبة من العلماء

**Таржимон:** Ислом Нури веб саҳифаси

ترجمة: موقع نور الإسلام

**Нашга тайёрловчи:** Дорул Ислом веб саҳифаси

مراجعة: موقع دار الإسلام

Риёз шаҳри Рабва маҳалласи диний тарғибот идораси

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة بمدينة الرياض

1430 – 2009

islamhouse.com

# **БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ**

## **ЁШЛАР ВА ТУРМУШ ҚУРИШ**

(ФАТВОЛАР)

Бутун оламларнинг Парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин  
Унинг энг севимли бандаси ва расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва  
салламга унинг оиласи, асхоблари ва то қиёматгача уларнинг изидан  
борувчи барча мусулмонларга Аллоҳнинг саломи, салоти, мағфирати ва  
раҳмати бўлсин!

### **1 - ҚИСМ**

#### **АВВАЛ ТУРМУШ ҚУРИЛАДИ**

**САВОЛ:** Ҳозирги кунда аёллар (қизлар) ёки уларнинг оталари қиз олийгоҳ, билим юрти, коллеж ва шу каби таълим муассасаларини битириб олишини баҳона қилиб совчиларга рад жавобини бериш одамлар орасида кенг тарқалди. Бунинг ҳукми қандай ва шундай тузоққа тушиб қолганларга қандай маслаҳат берасиз? Чунки бунинг оқибатида турмуш қуриши керак бўлган қизлар 30 ёшгacha бориб қолмоқда.

**ЖАВОБ:** Алҳамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала росулиллаҳ. Барча ёш йигит ва қизларга маслаҳатим шуки, турмуш қуришга имкониятлари бўлса тезроқ турмуш қурсинлар, чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар:

«عَنْ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ قَالَ لَنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَا مَعْشِرَ الشَّبَابِ مَنْ أَسْتَطَاعَ مِنْكُمْ الْبَاءَةَ فَلِيَتَرْوَحْ فَإِنَّهُ أَغَضُّ لِلْبَصَرِ وَأَحَصَنُ لِلْفَرْجِ وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ فَإِنَّهُ لَهُ وِجَاءٌ»

«Эй йигитлар, ким уйланиш сарф-харжатларига қодир бўлса уйлансин. Чунки у кўзни тўсувчироқ олатни сақловчироқdir. Ким қодир

бўлмаса рўза тутсин. Зеро рўза у учун ахталиқдир.» (Яъни ҳаромга тушиб қолишдан ҳимоядир). Бухорий ва Муслим ривояти.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна шундай марҳамат қиладилар:

«عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَطَبَ إِلَيْكُمْ مَنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَخُلُقَهُ فَرَوْجُوهُ إِلَّا تَفْعَلُوا تَكُنْ فِتْنَةٌ فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ عَرِيضٌ»

«Агар совчи юборган кишининг дини ва хулқи сизга ёқса унга (қизжувонларингизни) турмушга узатинг. Шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва кенг қамровли фасод вужудга келади». Термизий ҳасан санад билан ривоят қилган.

«عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكَ قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَأْمُرُ بِالْبَاعِثَةِ وَيَنْهَا عَنِ التَّبَتُّلِ نَهْيًا شَدِيدًا وَيَقُولُ تَزَوَّجُوا الْوُدُودَ إِنِّي مُكَاذِرٌ بِكُمُ الْأَنْبِيَاءَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ»  
رواه أَحْمَد.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйланишга буюрар, таркидунёчилиқдан қаттиқ қайтараар ва: «Туғадиган ва севимли, ёқимли аёлларга уйланинглар. Мен Қиёмат кунида пайғамбарларга сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман», дер эдилар. Имом Аҳмад ва Ибн Ҳиббон ривояти.

Демак, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилгандаридек уйланишнинг талайгина фойдалари бор: кўзни тийиш, авратни сақлаш, мусулмон миллатининг кўпайиши, фитна ва кенг қамровли фасод вужудга келишидан омонда бўлиш ва ҳ.к.

Аллоҳдан динимиз ва ҳаётимиз учун энг фойдали бўлган нарсаларни беришини сўраймиз. У барча нарсаларни эшитувчи ва яқиндир.

Шайх ибн Боз.

## АЁЛГА ТУРМУШ ҚУРИШ ҚАЧОН ФАРЗ БЎЛАДИ?

САВОЛ: Аёл кишининг турмушга чиқиши фарзми?

**ЖАВОБ: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!**

Саволингизга жавоб беришдан олдин фуқаҳоларнинг бу тўғрида ёзганларини қисқача кўриб чиқишимиз керак:

“Мавоҳибул-Жалил”да шундай дейилган: «Агар турмушга чиқмаса ўзини ўзи боқаолишга ва кийим билан таминлашга қурби етмаса, бундай аёлнинг турмушга чиқиши фарз бўлади».

“Шарҳул-Кабир”да турмуш қуришнинг фарзлиги тўғрисида шундай дейилган: “Агар киши зино қилиб қўйишдан қўрқса унга турмуш қуриш фарз бўлади».

“Фатҳул-Ваҳҳоб”да шундай дейилган: «Аёллар учун муҳтожлик ёки ахлоқи бузук кимсалар томонидан бирон бир зарар етиб қолишидан қўрққани туфайли турмушга чиқиши каби, ўз хоҳиши (жинсий хоҳиши) туфайли турмушга чиқиши суннатdir».

“Муғнил-Муҳтож”да шундай дейилади: «Агар киши зино қилиб қўйишдан қўрқса унга турмуш қуриш фарз бўлади. Агар киши турмуш қуришни назр қилган бўлса, унга уйланиш фарз бўлади.

Аёл кишига тегишли ҳукмлар: «Агар у эрга тегишга муҳтожлик сезса: шаҳватини қондириш, муҳтожлик, ахлоқи бузук кишилар томонидан зарар етиб қолишидан қўрқса турмушга чиқиш мустаҳаб бўлади. Чунки бу унинг дини ва номусини сақлайди ва эри унга қилган инфоқдан баҳраманд бўлади ва бошқалар”” .

Иbn Қудома роҳимаҳуллоҳ ўзларининг “ал-Муғний” китобларида шундай деганлар: «Сафдошларимиз турмуш қуришнинг фарзлиги тўғрисида турли хил фикр билдирганлар. Мазҳабимизнинг энг машҳур қараши: агар киши ҳаром амалларни қилиб қўйишдан қўрқса унга уйланиш фарз бўлади».

Турмуш қуришга келганда одамлар уч турли бўладилар. Уларнинг биринчилари, агар турмуш қурмасалар тақиқланган амалларни қилиб қўйишдан қўрқувчилар. Кўпчилик фуқаҳо фикрига кўра бундай

одамларнинг турмуш қуриши фарздир. Чунки ўзларини пок сақлашлари ва авратини ҳаромдан тийишлари фарздир...

“Субулус-Салом”да шундай дейилган: «Ибн Дақиқ айдиларки, баъзи фақиҳлар гуноҳдан ва қийинчиликдан (шаҳватини тийиб туришдан) кўркувчи ва турмуш қурмагунича ўзи зино қилишдан тия олмайдиган киши учун уйланиш фарз бўлади».

“Бадоиус-Саноиъ”да шундай дейилади: «Шаҳват ўта қучли бўлса уйланишнинг фарзлигига ихтилоф йўқ. Агар киши аёлга бўлган кучли хоҳиши туфайли сабр қила олмаса ва маҳр беришга ҳамда аёлни боқишига қурби етса ҳам уйланмаса гуноҳкордир».

Юқоридаги баҳсларнинг деярли барчаси турмуш қуришнинг фарз эканини билдирамоқда. Сизда шундай савол туғилиши мумкин: «Эркак киши жуфти ҳалол излаб бироннинг эшигини қоқиб борганда у ердаги аёл бу эркак учун уйланиш фарз ёки фарз эмаслигини қаердан билади? Бу аёлларнинг иши эмас-ку».

Бунга жавоб қуйидагича: Бундай ҳолатда аёл кишининг қиладиган энг тўғри иши совчи юборган киши билан бирга яшаб кетишига кўзи етса, унинг таклифини рад этмаслиқдир. Мусулмон эркак ва аёллар Исломда турмуш қуришнинг мартабаси юқори эканлигини яхши англашлари керак. Шундагина улар турмушга катта эътибор билан қарайдилар.

Қуида имом ибн Қудоманинг “ал-Муғний” китобидан ушбу мавзуга тааллуқли фойдали хulosани келтирамиз:

«Турмуш қуришнинг тартиби, қонун-қоидаларининг асоси Қуръон, суннат ва ижмоъдир. Қуръонда Аллоҳ айтадики: “...сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланинглар” (Нисо:3).

“...ва ўз ораларингиздаги тул-беваларни ҳамда қул ва чўриларингизни яхшиларини уйлантиринглар ” (Нур, 24:32).

Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилгандар: «Эй йигитлар, ким уйланиш сарф-харжатларига қодир бўлса уйлансин. Чунки у кўзни тўсувчироқ олатни сақловчироқдир. Ким қодир

бўлмаса рўза тутсин. Зеро рўза у учун ахталиқдир.» (Яъни ҳаромга тушиб қолишдан ҳимоядир). Бухорий ва Муслим ривояти.

Бу маънодаги оят ва ҳадисларни кўплаб келтириш мумкин. Уйланиш шариатга мувофиқ бўлиши шарт.

Иbn Маcъуд розияллоҳу анҳу айтганлар: “Агар фақатгина ўн кунлик ҳаётим қолган бўлса ва шу ўн куннинг сўнгида ўлишимни билсам ва уйланишга қодир бўлсан, фитнанинг қўрқувидан уйланган бўлардим».

Иbn Аббос розияллоҳу анҳумо Сайд ибн Жубайр розияллоҳу анҳуга: “Уйлан, чунки бу умматнинг энг яхшилари хотини кўпларидир»: деганлар.

Иброҳим ибн Майсар айтдилар: “Товус менга айтдики: “Агар уйланмайдиган бўлсанг Умарнинг Абу Зароидга: “Сени уйланишдан мижоз сустлиги ёки ахлоқи бузуқлиқдан бошқа нарса тўхтатаётгани йўқ” деган гапларини сенга айтаман” дедилар».

Имом Аҳмад айтдилар: “Уйланмайдиган кишининг Исломда қиласиган ҳеч бир иши йўқ. Ким сени уйланмасликка чақираётган бўлса, демак, билгинки у сени Исломдан бошқа нарсага чақиряпти”.

“Уйланишнинг жуда кўп фойдалари бор: динни ҳимоялаш, бошқа бировнинг динни кўпроқ ўрганишига ёрдам бериш, аёлларни ҳимоялаш ва ўз қарамоғига олиш, зурриётларнинг дунёга келиши ва бу уммат сонининг кўпайиши, бу билан Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қиёмат кунида умматларининг кўплиги билан фахрланишлари ва бошқалар”.

Мана энди турмуш қуришнинг фойдалари очик-равshan бўлди. Нодон аёлгина уйланиш таклифи билан келган кишининг, бўлиб ҳам Исломга қаттиқ амал қилувчи, эътиқоди тўғри ва ахлоқи пок бўлган кишининг таклифига иккиланиши мумкин .

## **ЎҚИШНИ ТУГАТИБ ОЛИШ УЧУН ТУРМУШГА ЧИҚИШНИ РАД ЭТГАН АЁЛНИНГ ҲУКМИ**

**САВОЛ:** Қиз, маълум йиллик коллеж, институт каби таълим муассасаларини битириб олиши учун совчиларга рад жавобини бериш ҳозирги кунда турмушга чиқмаган қизлар ва уларнинг ота-оналари томонидан кенг тарқалганлиги ачинарли ҳолдир. Бунинг ҳукми қандай?

**ЖАВОБ:** Бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига зиддир. Расуллуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар совчи юборган кишининг дини ва хулқи сизга ёқса унга (қизжувонларингизни) турмушга узатинг», деб марҳамат қилганлар.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йигитларга шундай деб мурожат қилганлар: «Эй йигитлар, ким уйланиш сарф-харжатларига қодир бўлса уйлансин. Чунки у кўзни тўсувчироқ олатни сакловчироқдир. Ким қодир бўлмаса рўза тутсин. Зеро рўза у учун ахталиқдир.» (Яъни ҳаромга тушиб қолишдан ҳимоядир). Бухорий ва Муслим ривояти.

Мен аёлларнинг валийлари ҳисобланган мусулмон биродарларимга ва шу билан бирга муслима сингилларимга ўқишиларини тугатишни кутмай турмушга чиқишни маслаҳат бераман.

Бунинг ўрнига эрларига, турмушга чиққандан сўнг ҳам ўқишини давом эттириши ёки битириб олгунга қадар болалар билан банд бўлиб қолмаслик тўғрисида шарт қўйишлари мумкин. Бунинг заари йўқ. Эҳтимол аёл киши ўқиётган соҳага ҳожат йўқдир. Менинг назаримда, аёл киши бошланғич таълимни тугатиб, ўқиш-ёзишни ўрганиб олгандан сўнг, унинг таълим-тарбияси учун энг фойдалиси Аллоҳ таолонинг китобини, тафсирларни, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ва уларнинг шарҳларини ўрганишдир. Унинг учун энг кераклиси мана шудир. Агар шароит бўлса, албатта, тиббиёт каби одамларга керак бўладиган соҳаларда ўқишини давом эттириши мумкин. Бу ҳам албатта эркаклар билан аралашмаган ва шу каби ҳолларда бўлиши керак.

Шайх ибн Усаймин

## **НИКОХДАН ОЛДИНГИ ЖИНСИЙ МУНОСАБАТ? БОЛАЛАРНИНГ ТУРМУШ ҚУРИШИНИ БЕЛГИЛАШ ОТА-ОННИНГ БУРЧИМИ?**

**САВОЛ:** Эшитишимча, катта ёшга бориб қолган фарзандларининг турмуш қуришларини белгилаш ота-она учун фарз ва агар улар шундай қилишмаса фарзандлари қилган гуноҳларнинг жазоси ота-онага берилади.

Иккинчи савол: агар бир киши уйланадиган қизи билан жинсий муносабатларда (қўшилиш эмас) ўзини тутиб туролмаса, (уйлангандан) кейин улар қилган гуноҳ кечириладими? Шундай ишни қилган мусулмонга қанчалик ёмон бўлади?

**ЖАВОБ:** Иккинчи саволингизнинг жавоби шуки, номаҳрам билан, жинсий муносабатда (қўшилиш бўлмаса ҳам) бўлиш эркак киши учун ҳар қандай ҳолатда ҳаром. Бу ишга шариат ҳеч қачон рухсат бермайди ва никоҳ ақди Исломий қонунларга биноан ўз ўрнига келтирилмагунича бундай алоқага шариатда мутлақо рухсат йўқ.

Биринчи саволингизни шайх Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ал-Жибрийнга юборган эдим, у киши менга қуидаги жавобни ёзиб юбордилар :

Ҳа, никоҳларини белгилаш билан фарзандларининг поклигини сақлаб қолиш ва қодир бўлса, улар учун сарф-ҳаражат қилиш (едириб-ичириш) ва кийим билан таъминлаш отанинг бурчидир. Агар ота қодир бўлмаса, турмуш қуришларини белгилаш, қурби етса онасининг, бобосининг ёки бувисининг бурчидир. Агар ўғил буни уддалай олмаса-ю (яъни уйланишга етарли маблағ бўлмаса), аммо яшаш учун пул топишга имкони бўлса, унда ўзининг поклигини сақлаб қолиш унинг (ўзининг) бурчидир. Аллоҳ энг яхши билувчидир.

Шайх ал-Мунажжид

### **2 – ҚИСМ**

### **ЭР ТАНЛАШ**

**САВОЛ:** Турмуш ўртоқ танлашда ёш аёллар нималарга кўпроқ эътибор беришлари керак? Агар аёл бирортасига дунёвий сабаблар туфайли рад жавобини берса, Аллоҳнинг жазосига йўлиқадими?

**ЖАВОБ:** Аёл киши турмуш ўртоқ танлашида катта аҳамият бериши керак бўлган энг муҳим сифатлар хулқ ва эътиқоддир. Бойлик ва насаб каби дунёвий сифатлар иккинчи даражали бўлиши керак. Энг муҳими, совчи қўйган киши тўғри ва мустаҳкам эътиқодли ҳамда гўзал хулқли киши бўлсин. Гўзал хулқли киши хотинига ҳеч ҳам ёмонлик қилмайди. У аёли билан тинч-тотув яхши ҳаёт кечиради, ёки энг тўғри йўл билан аёлининг эркин бўлишига рухсат беради (яъни, аёлга ҳеч қандай зарар бермаган ва кўнглини оғритмаган ҳолда у билан ажрашади). Гўзал хулқли ва динда мустаҳкам киши аёлига ва болаларига кўп марҳаматли бўлади. Аёл ундан динни ва хулқни ўрганиши мумкин. Агар совчида бундай хусусиятлар топилмаса, яъни намозларга эътиборсиз бўлса ёки спиртли ичимликлар ичиши аниқланса, аёл бундай кишидан узоқроқ бўлгани маъқул. Аллоҳ таоло бизни бундан сақласин! Агар у ҳеч намоз ўқимайдиган бўлса, демак у кофир ҳисобланади. Муслима аёллар улар учун ва улар муслима аёллар учун ҳалол эмас.

Айтиб ўтганимиздек эътибор берилиши керак бўлган энг муҳим нарса, совчи юборган кишининг тўғри эътиқодли ва гўзал хулқли киши эканлигидир. Агар у киши обрўли, тоза наслдан бўлса, бу яна ҳам яхшироқдир. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси муборакларига тўғри келади: «Агар совчи юборган кишининг дини ва хулқи сизга ёқса унга (қиз-жуонларингизни) турмушга узатинг».

Агар унинг бошқа ҳолатлари ҳам кўнгилдагидек бўлса бу яна ҳам яхшироқдир.

Шайх ибн Усаймин

### **ҚАРИНДОШ БИЛАН ТУРМУШ ҚУРМАГАН АФЗАЛ**

**САВОЛ:** Бир қариндошимиз менга совчи юборибди. Эшитишмча қариндош бўлмаган ёки узоқ қариндошлар билан турмуш қуриш бўлажак фарзандлар ва бошқа сабабларга кўра афзалроқ. Бунга сизнинг фикрингиз қандай?

ЖАВОБ: Бу хусусда жуда кўп олимлар тўхталганлар. Улар ҳам бунинг генлар ва хилқатдаги аломатлар ота-онадан болага ўтишига таъсири бор деган гапни урғулайдилар.

Кишининг жисмоний ва психологоик шаклланишида генларнинг таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ جَاءَهُ أَغْرَابِيٌّ فَقَالَ  
يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ امْرَأَتِي وَلَدَتْ غُلَامًا أَسْوَدَ فَقَالَ هَلْ لَكَ مِنْ إِبْلٍ قَالَ نَعَمْ قَالَ مَا  
الْوَانُهَا قَالَ حُمْرٌ قَالَ هَلْ فِيهَا مِنْ أَوْرَقَ قَالَ نَعَمْ قَالَ فَأَنَّى كَانَ ذَلِكَ قَالَ أَرَاهُ عِرْقُ  
نَزَعَهُ قَالَ فَلَعِلَّ أَبْنَكَ هَذَا نَزَعُهُ عِرْقُ. (رواه البخاري)

“Бир киши Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдилариға келиб: “Хотиним қора бола туғди”, - деди. (У бу боланинг ўзидан бўлганига шубҳа қилган эди.). Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан: “Туяларинг борми?” деб сўрадилар. У: “Ҳа”-деди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уларнинг ранглари қанақа?”-деб сўрадилар. У: “қизил”,- деди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам; “Уларнинг орасида қорамтирлари ҳам борми?”,- деб сўрадилар. У: “Ҳа”- деди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Нега шундай бўлиб қолди?” -деб сўрадилар. У киши: “Балки аслига тортгандир (яъни, уруғ-аждодидан биронтасининг ранги ўтгандир)”—деб жавоб берди. Шунда Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Унда, балки ўғлинг ҳам аслига тортгандир”- дедилар. Бухорий ривояти.

Бу генлар таъсир кўрсатишига ёрқин далилдир. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аёл кишига 4 сабабдан бири туфайли уйланилади: Бойлиги, насаби, ҳусни ёки дини учун. Шундай экан, сен диндорига уйланишга ҳаракат қил, барака топгур”-деганлар. Имом Бухорий ривояти.

Шунинг учун эътибор бериладиган энг муҳим нарса унинг динидир. Динида мустаҳкам бўлиш билан бирга ҳуснда ҳам чиройли бўлса нурун ало нур. Унинг яқин ёки узоқ қариндош ёки бегона бўлишининг аҳамияти йўқ. Диндор аёл эрининг бойлигини (молини), болаларини, уйини ва ўз иффатига омонатдордир. Ҳусн эркакнинг эҳтиёжини қондиради ва кўзини ҳаромдан тўсади.

Аллоҳ билувчироқдир.

## АГАР КИШИННИНГ ЖАМОАТ БИЛАН НАМОЗ ЎҚИМАСЛИГИ АНИҚ БҮЛСА УНГА ТУРМУШГА ЧИҚИЛАДИМИ?

САВОЛ: Бир ёш йигит синглимга совчи юборибди. Мен у ҳақида сўраб-суриштирсам у жамоат билан намоз ўқимас экан. Шунинг учун синглимнинг у билан турмуш қуриш ёки қурмаслиги тўғрисида фикрларимиз фарқли бўлиб қолди. Акам: “Балки уни Аллоҳ ҳидоятга бошлаб қолар”- деяпти. Аммо отам буни рад этди. Бу ҳақда Исломнинг хукми нима эканлигини билмоқчи эдим.

ЖАВОБ: (Бу савол-жавоб, жамоат билан намоз ўқишга қаршилик кўрсатилмайдиган, ва Исломга бемалол амал қилинадиган юртлар учун ҳосдир, бизнинг диёрларимизга тўғри келмаслиги мумкин).

Агар бирор кишининг жамоат билан намоз ўқимаслиги аниқ бўлса, демак унга турмушга чиқилмайди. Чунки жамоат билан намоз ўқимаслик, бу Аллоҳ таолога осий бўлишнинг очиқ кўринишидир. Бу мунофиқларнинг сифатларидан бўлиб, намозни тарқ қилишга бўлган биринчи қадам. Намозни тўлиқ тарқ қилиш эса куфрнинг катта кўринишидир. Аллоҳ сақласин!.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: “Албатта мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. – Ҳолбуки Аллоҳ уларни “алдаб” қўйгувчидир. Улар қачон намозга турсалар дангасалик билан, хўжакўрсинга турадилар” (Нисо:142) деб марҳамат қилган.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنَّ أَنْتَ لَصَلَّى اللَّهُ عَلَى الْمُنَافِقِينَ

صَلَاةُ الْعِشَاءِ وَصَلَاةُ الْفَجْرِ وَلَوْ يَعْلَمُونَ مَا فِيهِمَا لَأَتَوْهُمَا وَلَوْ حَبَّوا... (Роواه Муслим)

“Мунофиқлар учун энг қийин бўлган намозлар хуфтон билан бомдод намозларидир. Агар улар бу икки намоздаги (ажр ва раҳмат) ларни билганларида эди, эмаклаб бўлса ҳам, келган бўлардилар». Бухорий ва Муслим ривояти.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху айтади: “Бизнинг давримизда машҳур мунофиқлардан бошқа ҳеч ким жамоат намозига кеч қолиб, оҳирги сафда турмас эди». Муслим ривояти.

Росуллоро соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ بُرِيَّةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْعَهْدُ  
الَّذِي بَيَّنَنَا وَبَيَّنُهُمُ الصَّلَاةُ فَمَنْ تَرَكَهَا فَقَدْ كَفَرَ . (رواه الترمذی)

“Биз билан уларнинг ўртасидаги ягона ҳужжат намоздир. Ким уни тарк қилса куфр келтирибди». Имом Аҳмад ва Термизий ривояти.

عَنْ أَبِي سُفِيَّانَ قَالَ سَمِعْتُ جَابِرًا يَقُولُ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ  
إِنَّ بَيْنَ الرَّجُلِ وَبَيْنَ الشَّرِكِ وَالْكُفُرِ تَرْكُ الصَّلَاةِ . (رواه مسلم)

Абу Суфён айтади, Жобирдан эшиздим, Росуллоро соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Мусулмон билан кофир ва мушрик ўртасида намозни тарк қилиш бор». Имом Муслим ривояти.

Шайх ибн Боз

### 3 - ҚИСМ

#### ТУРМУШ ҚУРИШ ВА ВАЛИЙ БҮЛИШ ШАРТЛАРИ

САВОЛ: Валий ким бўлади. Мен муслима аёлман, катта акам валий бўла оладими?

ЖАВОБ: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Исломда никоҳнинг 3 та шарти бор:

- 1) Иккала тараф ҳам никоҳни ман қилувчи: бир-бирига – хоҳ қон орқали, хоҳ эмиқдошлиқ орқали (радаъа) — маҳрам бўлиш ёки эркак кофир аёл эса муслима бўлиши каби тўсиқпардан ҳоли бўлиши.

2) Валий ёки унинг вакили мен сизга фалончини турмушга (тан маҳрамлигига) бердим» дейиши.

3) Куёв ёки унинг вакили “қабул қилдим”, - ёки шунга ўхшаш сўзни айтиши.

### **Никоҳнинг тўғри бўлиш шартлари қуидагилар:**

1) Куёв ва келинни — исмларини айтиш, уларга ишора қилиш ёки сифатлаш билан таъйин қилиниши.

2) Куёвнинг ҳам келиннинг ҳам бир-биридан кўнгли тўлиши. Абу Салама айтади бизга Абу Ҳурайра айтдики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деган эканлар:

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ حَدَّثَهُمْ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا تُنْكَحُ الْأَيْمَ حَتَّى تُسْتَأْمِرَ وَلَا تُنكِحُ الْبَكْرُ حَتَّى تُسْتَأْذَنَ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ إِذْنُهَا قَالَ أَنْ تَسْكُتَ . رواه البخاري.

“Жувон ўз розилигини бериб буюрганидан кейин турмушга чиқарилади. Бокиранинг изни олингандан сўнг турмушга чиқарилади». Саҳобалар розияллоҳу анхум сўрадилар: “Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унинг изнини қандай биламиз. (Чунки у айтишга жуда уяладику?)” Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Унинг сукут сақлашидан”, - дедилар. Имом Бухорий ривояти.

3) Аёлнинг никоҳини боғловчи киши яъни унинг валийси бўлиши. Аллоҳ таоло Қуръонда никоҳ тўғрисида валийларга мурожат қилиб: «Ўз ораларингиздаги ёлғизларни никоҳлаб беринглар». - деган. (Нур:32)

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай марҳамат қилганлар:

عَنْ عَائِشَةَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ أَيْمَأْ مَا امْرَأَ نَكَحْتُ بِغَيْرِ إِذْنِ  
وَلِيَّهَا فَنَكَاحُهَا بَاطِلٌ فَنَكَاحُهَا بَاطِلٌ " رواه الترمذى 1021 وغيره وهو  
حديث صحيح.

"Валийсининг ризосисиз турмушга чиққан аёлнинг никоҳи ботил, никоҳи ботил, никоҳи ботил». Имом Термизий, 1021 ва бошқалар ривояти, саҳих ҳадис.

4) Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлариdek гувоҳларнинг ҳозир бўлиши:

عَنْ عُمَرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، قَالَ: "لَا نَكَحْ حَلَالًا بِوَلِيٍّ  
وَشَاهِدَيْ عَدْلٍ". رواه الطبراني في الكبير.

"Валий ва икки адолатли гувоҳи бўлмаган никоҳ никоҳ эмас». Табароний "Муъжамул Кабир" да келтирган; "Саҳиҳ ал-Жами"га ҳам қаранг, 7558.

Никоҳни эълон қилиш ҳам муҳим. Ресулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Никоҳни эълон қилинглар». Имом Аҳмад ривояти "Саҳиҳ ал-Жомиъ"да ҳасан дейилган, 1072.

### **Валийнинг шартлари қуидагилар:**

- 1) Ақли расо бўлиши;
- 2) Балоғат ёшида бўлиши;
- 3) Озод бўлиши (қул бўлмаслиги керак);
- 4) Келин билан бир хил динда (мусулмон) бўлиши;

Кофириңнинг мусулмон эркак ёки муслимага валий бўлиши ва мусулмоннинг кофир эркак ёки аёлнинг валийси бўлиши жоиз эмас. Аммо кофир кофирага валий бўлиши мумкин, ҳатто улар бошқа-бошқа динда бўлсалар ҳам жоиз. Муртад ҳеч кимга валий бўла олмайди.

- 5) Адолатли бўлиши (яъни, фосиқ бўлмаслиги); Бу шарт баъзи олимлар наздида. Аммо уларнинг баъзилари, кишининг валий бўла

олиши учун унинг ташқи кўринишига эътибор қаратиш кифоя деган бўлсалар, яна баъзилари, валий аёлнинг манфаатларига тўғри ёндаша оладиган бўлиши етарлидир, деганлар.

6) Эркак киши бўлши; Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَا تُزَوِّجُ الْمَرْأَةَ وَلَا  
تُزَوِّجُ الْمَرْأَةَ نَفْسَهَا . رواه ابن ماجه. قال الألباني: صحيح.

“Ҳеч бир аёл бошқа бир аёлни турмушга узатиши (никоҳлаши) мумкин эмас ва ҳеч бир аёл ўзини ўзи узатиши (никоҳлаши) ҳам мумкин эмас.”

Ибн Можа ривоят қилган, 1782, “Саҳиҳ ал-Жомиъ”, 7298.

7) Никоҳ талаблари ва келин-куёв бир-бирларига муносиб эканини англай оладиган даражада ақлли ва катта ёшли бўлиши;

Фақиҳлар валийликка муносиб кишиларнинг тартибини баён қилганлар. Яқин валийдан узоқроқ валийга унинг йўқлиги ёки шартларнинг етишмаслиги сабаблигина ўтилади. Аёлнинг валийси энг биринчи унинг отаси, кейин у (ота) васият қилган киши, сўнг отасининг отаси, буларнинг силсиласи ҳар қанча юқори бўлса ҳам (масалан: отасининг отасининг отаси), сўнг аёлнинг ўғли, сўнг унинг ўғиллари, уларнинг силсиласи ҳар қанча паст бўлса ҳам (масалан: ўғлининг ўғлининг ўғлиниң ўғли) сўнг туғишига ака-укаси, сўнг отабир ака-укаси сўнг мазкур ака-укаларнинг ўғиллари, сўнг ота-она бир амакиси, сўнг отабир амакиси сўнг мазкур амакиларнинг ўғиллари. Демак, валийларнинг тартиби худди меросдаги асабаларнинг тартиби каби экан. Мусулмонлар амири (ёки унинг ўрнини ўтовчи қози) валийси бўлмаган ҳар бир муслима аёлнинг валийсидир. Аллоҳ энг яхши билувчидир.

Шайх ал-Мунажжид

## УНАШТИРИЛГАН ҚИЗНИНГ ДАДАСИ НАМОЗ ЎҚИМАЙДИ

САВОЛ: Агар қизнинг дадаси намоз ўқимаса, никоҳнинг тўғри бўлиши учун нима қилиш керак?

**ЖАВОБ: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!**

Қизнинг дадаси анчадан бери беш вақт намозни ўқимаётган бўлса, у қизига валий бўлишга лойиқ эмас. Валийликка бошқа муносиб киши изланглар. Айтиб ўтганимиздек қизнинг акаси бўлса, у синглисингнинг валийси бўлиши мумкин.

Шайх ал-Мунажжид

**АГАР МУСЛИМАНИНГ ОТА-ОНАСИ КОФИР БЎЛСА, УНИНГ  
ВАЛИСИ КИМ БЎЛАДИ**

САВОЛ: Ассаламу алайкум.

Келиб чиқишим мусулмон оиладан. Шунга қарамай – ҳаётимнинг “қора кунлари” деб атайдиганим - жоҳилий амаллардан иборат бир қанча йилларни бошдан кечирдим. Алҳамдулилаҳ, Аллоҳ мени яна ҳидояти билан сийлади. Аллоҳнинг хоҳиши билан Исломни қабул қилган (аслида насроний бўлган) қиз билан алоқа қилиб келаман. Биз келишиб тезроқ никоҳдан ўтмоқчи бўлдик. Муаммо шуки, у мутаассиб насроний оиладан келиб чиққан, унинг отаси черков бошқарувчиси эканини айтмаса ҳам бўлаверади. Унинг оиласи бизнинг келишувимиздан хабар топгандаридан бошлаб бизни ажратиш учун қўлларидан келган барча нарсани қилишга уринмоқдалар. Биз қизнинг Исломни қабул қилгани ҳақида уларга ҳеч нарса деганимиз йўқ. Ҳозирга келиб у ўз оиласига қарши бўлиб, уларни тарк қилди. Шунга қарамай, шу алфозда кетиш қийин эканлигини биламиз. Биз бир-биримизни жуда севамиз. Менинг тушунишимча, Исломий қонунлар никоҳда аёл ўз оиласидан бўлган бир валий билан бирга бўлишини талаб қилади.

Биринчи саволим: унинг оиласининг розилигисиз турмуш қуришимиз Исломий қонунларга тўғри келадими?

Иккинчи саволим: Агар тўғри келса унинг валиси ким бўлади? Унинг оиласидан ҳич ким бизнинг алоқаларимизга рози эмас.

Олдиндан раҳмат, ассаламу алайкум.

**ЖАВОБ: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!**

Биринчидан: илмисизлик ва тушунмовчилик туфайли жоҳилиятга қилган қора саёҳатингиздан кейин яна Ўзининг Тўғри йўлига бошлаган Аллоҳга тинимсиз шукр қилишингизни таклиф қиласман. Ҳаётингизнинг шу нуқтасидан бошлаб, Аллоҳнинг марҳамати учун миннатдорчилик ҳиссини кўрсатиш учун, Унга бўлган бурчингизни бажаришингиз ва Унинг ғазабини келтирадиган амаллардан ўзингизни сақлашингиз керак. Сиз учун Аллоҳ таоло бошқа барча нарсалардан кўра мухимроқ бўлиши керак. Ўша даврда қўлдан бой берган нарсаларингизни бундан кейин ибодатларга бўлган муҳаббатингизни икки карра орттириб ва яхши ишларни қилишга шошилиш билан қайта қўлга киритишингиз мумкин.

Иккинчидан: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, бу қиз Исломни қабул қилганидан бошлаб, унинг кофир оила аъзоларидан ҳеч бири унинг ҳақларини ҳимоя қилувчи (валийси) бўла олмайди; кофир муслима учун валийликка лойиқ эмас. Агар сиз яшаб турган жойда мусулмонлар жамиятиниг аҳволини тартибга солиб туришга қодир бирорта мусулмон бўлса, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадиси мубораклари асосида у валий бўлиши мумкин: "Валийсиз никоҳ дуруст эмас. Кимнинг валийси бўлмаса султон унга валий бўлур". ибн Можа ва имом Аҳмад, 1880, "Саҳиҳ ал-Жами", 7556.

Агар шундай кучга эга мусулмон киши йўқ бўлса, унда мусулмонлар идорасининг раҳбарлари ёки Исломий марказларнинг директорлари каби обрўли ва юқори ахлоқли биронта мусулмон ёки у ернинг имоми кабиларнинг биронтаси афзал деб топилади ва қизнинг розилиги билан никоҳни тамомига етказади.

Шайх ал-Мунажжид

#### 4 - ҚИСМ

### АЁЛНИНГ РАД ЭТИШ ҲУҚУҚИ

САВОЛ: Дугонам тўғрисида бир саволим бор эди. У 17 ёшда. Оиласи билан бу ерга яқинда кўчиб келишган. Унинг валийси ва онаси қизни орқа ҳовлида яшовчи амакиваччасига беришмоқчи. Аммо қиз буни рад

этмоқда. Чунки уни баъзи сабабларга кўра ёқтиrmайди. У онасига йиғлаб ёлвормоқда ва у билан бахтли бўлиб кета олмаслигини айтмоқда.

Саволим қуйидагича: агар қизга йигит ёқмаса унга турмушга чиқишни рад этиши учун қизда бирон-бир ҳукуқ борми? Бу қиз муслима ва мактабга боради. У ушбу масалада ким билан гаплашишни билмайди ва ҳақиқатан ҳам унга турмушга чиқишни хоҳламайди. Унинг онаси “агар шу йигитга турмушга чиқмасанг ўласан ва ҳаётинг барбод бўлади”, - деб унга зуғум ўтказмоқда ҳамда чиройли ва бой бўлмагани учун унга ҳеч ким уйланмаслигини айтмоқда.

Саволим узун бўлгани учун кечирасиз, бироқ иложи борича тезроқ жавоб қайтарсангиз.

Жавоб: Алҳамдулиллаҳ.

Дарҳақиқат, синглимиз сўраган бу ҳолат кенг тарқалган ва қўпинча, ота-оналар ва уларнинг қизлари ўртасида ҳохишларнинг фарқлилиги туфайли содир бўлади. Отa-она наздида бу никоҳ фойдали бўлиши, қизга қолса эса акси бўлиши мумкин ва бу ҳар бир томоннинг келажакка бўлган фарқли қарашлари ва ўзларига хос қарор қабул қилишларининг натижасидир. Балки, ота-онанинг қарашлари уларнинг кечинмалари ва ҳаётий тажрибаларига кўра мос ва тўғридир. Эҳтимол, қиз бошқа нарсалардан кўра куёвнинг ташқи кўринишига кўпроқ эътибор қарататеётгандир. Отa-оналари эса унинг оиласининг обрўси ёки иш билан таъминлангани каби томонларига эътибор бериб қизиқишаётган бўлишлари мумкин. Албатта, буларнинг ҳеч бири қизнинг қарашлари тўғри ва афзал эмас, деган маънони билдиrmайди. Хусусан, ота-онанинг кўзлаган мақсадлари, агар никоҳ амалга ошсагина рўёбга чиқиши мумкин, шунга етишиш учун ота-оналар, бу масаланинг бош мавзуси бўлган қизга ҳукмронлик қилишга ҳақлари йўқ.

Отa-онага бўйсуниш, ўз хоҳиш ва истакларини амалга ошириш учун курашиш ва уларнинг қарашларига эътибор қаратишнинг қайси бири қачон муҳим эканлигини билиш унчалик осон эмас. Бу нуқтага ойдинлик киритган Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги икки

ҳадиси шарифларини маҳкам ушлашингизни ва уларга амал қилишингизни маслаҳат бераман. Мана шу икки ҳадис саволингизга тўлиқ жавоб бўлади:

Биринчи ҳадис:

«عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِذَا خَطَبَ إِلَيْكُمْ مَنْ تَرْضَوْنَ دِينَهُ وَحُلْقَهُ فَرَوْجُوهُ إِلَى تَفْعُلُوا تَكُنْ فِتْنَةٌ فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ عَرِيضٌ»

«Агар совчи юборган кишининг дини ва хулқи сизга ёқса унга (қизжувонларингизни) турмушга узатинг. Шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва кенг қамровли фасод вужудга келади». Термизий ҳасан санад

билиан ривоят қилган.

(Бу ерда “фитна”ни зинога вас-васа, (қизга нисбатан) нафрат, одамлар ва қариндошлар ўртасида алоқанинг узилиши ва ёмонликнинг тарқалиши кабилар маъносида тушуниш мумкин).

Иккинчи ҳадис:

عَنْ عَائِشَةَ «أَنَّ فَتَاهَ دَخَلَتْ عَلَيْهَا فَقَالَتْ إِنَّ أَبِي زَوَّجِي ابْنَ أَخِيهِ لِيَرْفَعَ بِي حَسِيْسَتَهُ وَأَنَا كَارِهَهُ قَالَتْ اجْلِسِي حَتَّى يَأْتِي النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَأَخْبَرَتْهُ فَأَرْسَلَ إِلَيْ أَبِيهَا فَدَعَاهُ فَجَعَلَ الْأَمْرَ إِلَيْهَا فَقَالَتْ يَا رَسُولَ اللَّهِ قَدْ أَجَزْتُ مَا صَنَعَ أَبِي وَلَكِنْ أَرَدْتُ أَنْ أَعْلَمَ الْنِّسَاءَ مِنْ الْأَمْرِ شَيْءًا» رواه النسائي

«Ёш бир аёл Оиша розияллоҳу анҳонинг ёнларига келиб: «Отам, одамлар орасида ўз обрўсини кўтариш учун мени акасининг ўғлига турмушга берди. Мен эса буни хоҳламайман», - деди. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келгунларича шу ерда кутиб тур», дедилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларида Оиша розияллоҳу анҳо уларни бу воқеадан хабардор қилдилар. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизнинг отасини чақиртириб келиш учун одам юбордилар ва бу масаланинг ечимини қандай ҳал қилишни қизнинг ихтиёрига топширдилар. Шунда қиз: «Эй Аллоҳнинг элчиси, мен отамнинг қилган

ишига розиман, фақат мен бу ишда аёлларнинг ҳуқуки борми ёки йўқлигини билмоқчи эдим», - деди. Насоий ривояти.

Сиз ва оилангизга Аллоҳдан Унинг ҳидоятини ва муваффақият сўраймиз ва Аллоҳнинг энг сўнги элчиси Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳнинг саломи ва раҳмати бўлсин!

Шайх ал-Мунажжид

### АЁЛ ЎЗИ ХОҲЛАМАҲАН КИШИГА ТУРМУШГА ЧИҚИШГА МАЖБУРЛАНМАЙДИ

САВОЛ: Ота қизни у ёқтирмайдиган йигитга мажбурлаб узатиши жоизми?

ЖАВОБ: Ҳеч ким ўз қарамоғидаги қизни у ёқтирмаган кишига мажбурлаб турмушга бериши жоиз эмас. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам деганлар:

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ أَنَّ أَبَا هُرَيْرَةَ حَدَّثَهُمْ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لَا تُنْكِحُ الْأَيْمَ حَتَّى تُسْتَأْمِرَ وَلَا تُنْكِحُ الْبِكْرُ حَتَّى تُسْتَأْذِنَ قَالُوا يَا رَسُولَ اللَّهِ وَكَيْفَ إِذْنُهَا قَالَ أَنْ تَسْكُتَ . رواه البخاري.

“Жувон ўз розилигини бериб буюрганидан кейин турмушга чиқарилади. Бокиранинг изни олингандан сўнг турмушга чиқарилади». Саҳобалар розияллоҳу анҳум сўрадилар: “Ё Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, унинг изнини қандай биламиз. (Чунки у айтишга жуда уяладику?)” Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Унинг сукут сақлашидан”, - дедилар. Имом Бухорий ривояти.

Бошқа бир ривоятда: “Унинг жим туриши розилигидир”, -деганлар. Яна бошқа бир ривоятда эса: “Бокиранинг отаси унинг розилигини сўрайди ва қизнинг сукути унинг розилигидир”, - деганлар.

Агар қиз 9 ёки ундан катта ёшда бўлса отаси унинг розилигини сўрайди, бошқа валийлар ҳам худди шундай қиладилар. Яъни, қизнинг рухсатисиз уни турмушга бермайдилар. Агар қизнинг розилигисиз

турмушга берилса бу никоҳ ботилдир. Чунки никоҳ шартларидан бири яъни, иккала тараф ҳам бу никоҳни қабул қилиши тўғрисидаги шарт бажарилмаган. Агар қиз қўрқитиш ва мажбурлаш туфайли турмушга берилса никоҳ ботил бўлади. Аммо агар қиз 9 ёшдан кичкина бўлса бу мумкин, яъни қизнинг рухсати олинмасдан, отанинг рухсати билан турмушга бериш жоиз.

Ҳақиқатда 9 ёшдан кичкина бўлган қизни унинг рухсатисиз турмушга беришда ҳеч қандай зарар йўқ. Саҳиҳ ҳадисда келтирилганидек, бу, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳо онамизга 9 ёшдан кичиклик вактларида уларнинг розилигисиз уйланганларига асосланади.

Агар куёв қизнинг мажбурулганини билса, ҳатто қизнинг отаси рози бўлса ҳам, қизга яқинлашмаслиги керак. У Аллоҳ қайтарган нарсадан сақлансин. Чунки Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизнинг розилигини олишга буюрдилар. Биз, аёлларга ҳам Аллоҳдан қўрқишлирини ва отаси дини ва хулқи яхши бўлган муносиб куёв топганларида қабул қилишлирини маслаҳат берамиз. Бундай маслаҳат беришимизнинг сабаби турмуш қуришнинг жуда кўп яхшилик ва фойдалари бор. Турмушга чиқмай юришда эса жуда ҳам кўп заарлар бор. Барча муслималарга маслаҳатим, уларнинг қўлини сўраб келган киши (исломий) талабга жавоб берса (яъни дини ва хулқи қониқтирса), таклифни қабул қиласинлар. Уларнинг мактаб кўрмаганлиги, олийгоҳларда ўқимаганлиги ва бошқа шу каби дунёвий сабаблар тўсқинлик қилиб қолмасин!

Шайх ибн Боз

## ДИНДОР ЁШ БИР ЙИГИТ ҚЎЛИМНИ СЎРАБ КЕЛДИ, АММО ОНАМ РАД ЭТДИ

САВОЛ: Мен 24 ёшдаман. Бир йигит менга уйланиш таклифи билан келди. У коллежни битирган ва диндор оиладан. Отам рози бўлганларидан сўнг, у мен билан учрашмоқчи бўлди. Кўришдик, бир-бirimizga ёқдик. Чунки соф динимиз кўришишга рухсат берган. Онам унинг диндор оиладан эканини билиб, қаттиқ қаршилик билдириди. Онам

бу никоҳ ҳеч қачон амалга ошмаслигига қасам ичди. Дадам унга тушунтиришга жиддий ҳаракат қилди, аммо фойда бермади. Бу ҳолатдан қонунлар (шариат) ёрдамида қутулишнинг имкони борми?

**ЖАВОБ:** Агар вазият сиз айтгандек бўлса, никоҳга тўсқинлик қилишга онангизнинг ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Бундай ҳаракат қилишдан Аллоҳ қайтарган. Ушбу ҳолатда онангизга бўйсунишга мажбур эмассиз. Росулулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Итоат яхшилиқда бўлади», - деганлар. Муносиб йигит таклифига қарши чиқиш яхшилиқдан эмас.

Росулулоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар совчи юборган кишининг дини ва хулқи сизга ёқса унга (қиз-жувонларингизни) турмушга узатинг. Шундай қилмасангиз, ер юзида фитна ва кенг қамровли фасод вужудга келади», - деганлар. Термизий ҳасан санад билан ривоят қилган.

Агар бу ишни қози кўриб чиқиши керак десангиз, ҳаққингиз бор.

## **АЁЛНИНГ ЎЗИ УЧУН ВАЛИЙ ТАЙИНЛАШИ**

**САВОЛ:** Агар қизнинг отаси бўлажак куёвни битта қавм ёки миллатдан бўлмагани учун рад этса, никоҳда қиз ўз акасини валий этиб тайинлаши тўғрими? Уйланиш таклифини валий рад эта олиши учун Исломий сабаблар қайсилар? Агар қиз балоғат ёшига етган бўлса ўзи учун турмуш ўртоқ танлашда ёки рад этишда ўз отасидан кўра кўпроқ ҳукуқка эгами? Қизнинг отаси бўлажак куёвни миллати ёки маданияти туфайли маъқул топмагани учун, отасининг розилигисиз қизнинг 40 ёшдаги катта акаси валий бўлган ҳолда турмушга чиқсачи?

Жавоб: Валийнинг мақсади ўз фойдасини эмас, аёлнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Шу боис, агар муносиб киши қизнинг қўлини сўраб келса ва у шариат қўллаб қувватламайдиган сабаблар билан валий томонидан рад этилса, демак, валий аёлга нисбатан нотўғри иш тутган бўлади. У валийлик вазифасига муносиб келмагани сабабали унинг ўрнига бошқа валий тайинланиши мумкин. Бирор кишини фақатгина миллатчилик ғурури ва

жоҳиллий урф-маданиятга кўра рад этиш уйланиш таклифига қарши чиқишга етарли сабаб эмас.

Шофеъийнинг қарашларига кўра бу ҳолатда валийлик ўз-ўзидан равишда бошқа бир кишининг зиммасига ўтади. Бинобарин катта акаси қизга валий бўлишга лойик. Абу Ҳанифанинг қарашларига кўра эса бундай ҳолатда валийлик жамиятнинг имоми (амири)га ўтади. Жамиятнинг имоми катта акасини унинг янги валийси қилиб тайинлаши мумкин. Улар келтирган далиллардан ҳанфийнинг ҳолати кучлироқ.

Валий шаръий сабабалар бўлгандагина ўзгатрилиши мумкин. Мисол учун, қизнинг валийси қиз турмушга чиқишни хоҳлаган кишини солиҳ мусулмон эмас деб билгани учун рад этса, валий ўзгартирилмайди.

### **ОТА ЎҒЛИНИНГ УЙЛANIШИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМОҚДА, ЧУНКИ У УКАЛАРИНИ БОҚИШДА ОТАСИГА ЁРДАМ БИРИШИ КЕРАК**

**САВОЛ:** Укаларини боқиш учун унинг ёрдами керак бўлгани учун ота ўғлининг уйланишига тўсқинлик қилишга ҳаққи борми?

**ЖАВОБ:** Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Агар ўғил уйланмаса ҳаром амалларни қилиб қўядиган бўлса, ота ўғлининг уйланишига тўсқинлик қилишга ҳаққи йўқ. Аллоҳ ризқ берувчидир; шундай экан Аллоҳ уларни ризқсиз қолдирмайди. Аллоҳ таоло ўзининг поклигини сақлаб қолиш учун уйланган кишига ёрдам беришга ваъда берган. Аллоҳ айтади: «**Ўз ораларингиздаги тулбеваларни ҳамда қул ва чўриларингизнинг яхшиларини уйлантиргинглар.** Агар улар камбағал бўлсалар Аллоҳ уларни ўз фазлу карами билан бой-бехожат қилур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, билгувчидир». (Нур: 32).

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ уч кишига аниқ ёрдам беради: Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқкан мужоҳидга; хўжайнини билан ишлаб пулинин тўлаб ўзини озод қилишга келишган қулга; ва ўз поклигини сақлаб қолиш истагида уйланган кишига».,- деб марҳамат қилганлар.

Термизий, 1566, Албоний: “Бу ҳадис ҳасан”, -деганлар, “Саҳиҳ ал-Жамиӣ”, 3050.

Агар ўғил сабр қилиб ишласа ва укаларини боқишда отасига ёрдам берса, албатта, унга ажр берилади.

Валлоҳу аълам.

Шайх ал-Мунажжид

## 5 - ҚИСМ

### ИККИ ЖИНС ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУОМАЛА ҲУКМИ

**САВОЛ:** Агар эркак киши номаҳрам аёл билан муомалада бўлса (гаплашиш, хат ёзиш ва ҳ.к) ва улар бир-бирларини севиб қолса, мана шу амал жоизми?

**ЖАВОБ:** Бундай амалга рухсат йўқ. Бу ҳар иккала томоннинг ҳам шаҳватини қўзғайди. Кўпинча бу муомала, васваса ва қалбда зинога бўлган муҳаббатни орттирувчи юмшоқ, майин суҳбат қуришга айланади. Ҳар бир кишига ўз дини ва обрўсини сақлаб қолиши учун бундай муомала ва суҳбатлардан сақланишини маслаҳат бераман.

Шайх ибн Жибрийн

### АЁЛ КИШИ БИЛАН ТЕЛЕФОНДА ГАПЛАШИШ

**САВОЛ:** Уйланмаган ёш йигитнинг турмушга чиқмаган қиз билан телефонда гаплашишининг ҳикми қандай?

**ЖАВОБ:** Номаҳрам аёл билан жозибадорлик, майин овоз билан гаплашиш каби шаҳватни қўзғатувчи ҳар турли муомалага рухсат йўқ. Телефонда гаплашишга ҳам, бошқасига ҳам рухсат йўқ. Аллоҳ таоло айтган: “Бас, сизлар (ноамаҳрамларга) майин сўз қилмангларки, у ҳолда қалбida бузуқлик бўлган кимса тамаъ қилиб қолур». (Аҳзоб:32)

Агар мажбур бўлиб қолинса, шариат доирасида сұхбатлашишда зарар йўқ. Нима бўлганда ҳам бундай сұхбат керагича миқдорда, чекланган бўлиши керак.

Шайх ал-Жибрийн

## ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ СУҲБАТ ҚУРИШ

САВОЛ: Ассаламу алайкум. Бир қизнинг қўлини сўрадим ва ҳар замонда интернет орқали бир-биримиз билан гаплашиб турамиз. Ўқишни битирмагунимча (ҳозир 3-курсдаман) унга уйлана олмаслигимга қарамай, у билан интернет орқали гаплашишимга рухсат борми? Вассаламу алайкум.

ЖАВОБ: Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Агар никоҳ ўқилган бўлса у билан хоҳлаганингизча ва хоҳлаган вақтингизда гаплашишингиз мумкин. Бироқ, Исломий никоҳ амалга оширилмаган бўлса, у сизга бегонадир. Шунинг учун тўғридан тўғри у билан гаплашишдан сақланинг. У билан E-mail ёки интернет орқали қилаётган муомалангиз, маслаҳат бериш, таълим бериш каби чекланган ҳолатлардан иборат бўлса, бунинг нотўғри жойи йўқ. Аммо ҳиссиётга тўла ёки бирор-бир ёмонликка сабаб бўлувчи нарсалардан жуда эҳтиёт бўлинг.

Аллоҳ сизу бизни Ўзига ибодат қилишимизда ва Унинг ғазабини келтирувчи нарсалардан сақланишимизга ёрдам берсин. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳнинг салоту саломи бўлсин!

Шайх ал-Мунажжид

## АЁЛНИНГ НОМАҲРАМГА ҚАРАШИ

САВОЛ: Аёл номаҳрам эркакка қараши мумкинми?

**ЖАВОБ:** Аёлларга номаҳрам эркакларга қарамасликларини маслаҳат берамиз. Аёл киши заифа ва тез таъсирланувчандир. Кўпинча, аёллар кинода ёки расмда ёш йигитларни кўрганда ҳиссиётларга берилиб ҳаяжонланади. Бу эса уни васвасага ундейди. Васваса сабабларидан узоқ бўлиш ҳар доим хайрлидир. Ҳаромга олиб борувчи ҳар бир нарса ҳаромдир.

Шайх ибн Жибрийн

### **АЁЛНИНГ ЭРКАККА ҚАРАШИНИНГ ҲУКМИ**

**САВОЛ:** Аёлларнинг телевизорда эркакларга қараши ва кўчада тўsatдан эркакларга қарашининг ҳукми қандай?

**ЖАВОБ:** Ҳамма вақт аёллар эркакларга икки сабабдан бири билан қарайди, телевизордами ёки бошқа ердами бунинг фарқи йўқ. Биринчиси шаҳват билан қарав. Бу ёмонлик ва васвасадан иборат бўлгани учун таъқиқланган. Иккинчиси ҳар турли шаҳват ва хоҳишлардан ҳоли бўлган оддий қарав. Олимларнинг қарашларининг тўғрироғига кўра бу тур қарашнинг зарари йўқ. Бунга рухсат берилган, чунки бу Бухорий ва Муслимнинг саҳихларида келтирилган Оиша розияллоҳу анҳо онамизнинг ҳабашийларнинг намойиш этаётган жанг рақсини томоша қилгани тўғрисидаги ҳадис билан қувватланган. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша онамизни улардан пана қилиб тўсганлар, аммо қарашдан ман қилмаганлар.

Нима бўлганда ҳам бу қарав шаҳватсиз, эҳтиорсиз ва васвасасиз бўлиши шарт қилинади. Агар бу қарашда шаҳват ва васваса бўлса, телевизорда бўлсин, бошқа ерда бўлсин бу қарав таъқиқланади.

Шайх ибн Усаймин

### **АЁЛНИНГ СЕВИБ ҚОЛИШИ**

**САВОЛ:** Қиз бирортасини чин юракдан севиб қолса ва Аллоҳдан унга турмушга чиқишини дуо қилиб сўраса тўғри бўладими?

**ЖАВОБ:** Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Агар бу севги Аллоҳга бўлган муҳаббатдан чалғитмаса ва сизни бирор бир ҳаром нарсани қилишга ёки айтишга унда маса, у ҳолда бунинг ҳеч қандай нотўғри жойи йўқ. Иншааллоҳ, Аллоҳдан уни келажагингизнинг бир қисми қилишини сўрашингиз нотўғри эмас, хусусан у Аллоҳдан қўрқадиган мусулмон бўлса .

Шайх ал-Мунажжид

### **НОМАҲРАМ АЁЛ БИЛАН ҚЎЛ БЕРИБ КЎРИШИШ – 1**

**САВОЛ:** Нима учун Ислом кишини номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришишдан қайтаради? Шаҳватсиз қўл бериб кўришиш кишининг таҳоратини кетказадими?

**ЖАВОБ:** Бу васваса бўлгани учун Ислом бундан қайтаради. Васвасанинг энг катта кўринишидан бири эркак кишининг номаҳрам аёлга тегинишидир. Васваса (гуноҳ)га олиб борувчи ҳар бир нарса шариатда таъқиқланган. Шунинг учун ёмонликдан сақланиш учун ҳатто кўзни тийиш талаб қилинади. Эркак кишининг ўз аёлига тегиниши таҳоратни синдирамайди. Агар эркак киши шаҳват билан тегинса ва эркақдан шилимшиқ суюқлик ёки маний келганса таҳорат синади. Агар маний бўлса ғусл қиласди. Агар маний бўлмасдан бошқа суюқлик бўлса, жинсий аъзоларини ва суюқлик теккан жойларни ювиши ва таҳорат олиши керак бўлади.

Шайх ибн Усаймин

### **НОМАҲРАМ АЁЛ БИЛАН ҚЎЛ БЕРИБ КЎРИШИШ – 2**

**САВОЛ:** Муслима аёлнинг мусулмон эркак билан қўл бериб кўришишига рухсат борми?

**ЖАВОБ:** Эркак кишининг номаҳрам аёллар билан қўл бериб кўришиши ҳаром.

Маъқил ибн Ясордан ривоят қилинган ҳадисда: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдиларки:

عن مَعْقِلٍ بْنِ يَسَارٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "لَاَنْ يُطْعَنَ فِي رَأْسِ أَحَدٍ كُمْ بِمُخْبِطٍ مِنْ حَدِيدٍ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَمْسَ اُمْرَأً لَا تَحْلُّ لَهُ" رواه الطبراني في الكبير.

“Сизлардан битталарингизнинг бошига бигиз суқилиши ўзига ҳалол бўлмаган аёлга тегинишидан кўра яхшироқдир». Табароний бу ҳадисни "Ал- Муъжамул Кабир" да келтирган, Албоний сахих ал-Жамиъда сахих деган, 5045 .

Номаҳрам аёлга тегиниш фитна, шаҳватни қўзғовчи ва гуноҳ амал эканида шак-шубҳа йўқ. Ҳеч ким бу ишни қилаётганида ҳиссиётлардан ҳоли ва қалби тоза эканига кафолат беролмайди. Чунки энг тоза қалбга эга ва энг покдомон бўлган пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон номаҳрам аёлга тегинмаганлар. Ҳатто байъат қабул қилганларида ҳам аёллардан эркакларнидан бошқача байъат олганлар. Оиша розияллоҳу анҳу айтади:

أَخْبَرَنِي عُرْوَةُ أَنَّ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجُ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَخْبَرَتْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَمْتَحِنُ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ بِهَذِهِ الْآيَةِ بِقَوْلِ اللَّهِ { يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِذَا جَاءَكَ الْمُؤْمِنَاتُ يُبَيِّنْنَكَ إِلَى قَوْلِهِ غَفُورٌ رَّحِيمٌ } قَالَ عُرْوَةُ قَالَتْ عَائِشَةُ فَمَنْ أَقَرَّ بِهَذَا الشَّرْطِ مِنَ الْمُؤْمِنَاتِ قَالَ لَهَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ بَأَيَّتُكَ كَلَامًا وَلَا وَاللَّهِ مَا مَسَّتْ يَدُهُ يَدَ اُمْرَأٍ قَطُّ فِي الْمُبَايَعَةِ مَا يُبَيِّنُهُ إِلَّا بِقَوْلِهِ قَدْ بَأَيَّتُكَ عَلَى ذَلِكَ . رواه البخاري.

“Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижрат қилиб келган муслима аёлларни: “Эй пайғамбар, қачон сизнинг олдингизга муъминалар келишиб, сизга ўзларининг Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмасликларига, ўғрилик қилмасликларига, зино қилмасликларига, (камбағаллик ёки шарманда бўлишдан қўрқиб) ўз болаларини ўлдирмасликларига ва қўл-оёқлари ўртасида тўқиб оладиган бўхтонни қилмасликларига ҳамда бирон яхши ишда сизга итоатсизлик қилмасликларига қасамёд қилсалар сиз уларнинг қасамёдларини қабул қилинг ва улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг! Албатта Аллоҳ мағфиратли, мөхрибондир». (Мумтаҳана:12)

ояти билан синааб имтиҳон қилар эдилар. Шундан сўнг муслима аёлларнинг қайси бири бу шартларни қабул қилса, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Сенинг байъатингни сўз билан қабул қилдим”, - дер эдилар. Аллоҳга қасамки, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам байъат қабул қилаётганларида қўллари ҳеч қачон бирон бир аёлнинг қўлига тегмаган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларнинг байъатларини: “Сенинг байъатингни шу асосда қабул қилдим” – деб қабул қилар эдилар». Имом Бухорий ривояти.ё

Оиша онамиздан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда айтадилар:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ كَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُبَايِعُ النِّسَاءَ بِالْكَلَامِ  
بِهَذِهِ الْآيَةِ {لَا يُشْرِكُنَّ بِاللَّهِ شَيْئًا}  
قَالَتْ وَمَا مَسَّتْ يَدُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَدَ اُمْرَأَةٍ إِلَّا اُمْرَأَةً يَمْلُكُهَا. رواه  
البخاري.

“Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларнинг байъатини сўз билан қабул қилар эдилар. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўллари ўзига ҳалол бўлган аёллардан бошқа бирон аёлнинг қўлига тегмаган”. Бухорий ривояти.

Баъзилар аёл киши қўл узатганда, рад этишга жуда уяладилар. Баъзилар эса мактабда синфдош, олийгоҳларда курсдошлари ёки ўқитувчилари билан ёки иш жойида ҳамкасабалари билан ёки расмий учрашувларда қўл бериб кўришга мажбурлигини даъво қилишади. Аммо бу қабул қилинмайдиган узр. Мусулмон киши ўз ҳиссиётларини жиловлай ва шайтоннинг васвасаларини қайтара олиши лозим. У иймонида мустаҳкам туриши керак. Чунки Аллоҳ таоло ҳақдан уялмайди. Мусулмон киши бирортасини ҳафа қилмайдиган ва ҳиссиётларига зарар етказмайдиган қилиб, мулойимлик билан кечирим сўраши ва қўл бериб кўриша олмаслигининг сабабини тушунтириши лозим. Кўп ҳолларда, бу бошқаларнинг унга бўлган ҳурматини яна ҳам орттиради. Бу уларга биринчи мартасида ғалати кўринсада, кейинчалик бунга кўникадилар ва шояд бу амалий даъват бўлиб қолса.

Валлоҳу аълам

## 6 - ҚИСМ

### УЛАР ТУРМУШ ҚУРИШГАНИНИ ЯШИРИШНИ ХОХЛАЙДИЛАР

**САВОЛ:** Мен Исломни қабул қиляпман, лекин буни оиласига айтишга жуда қийналмоқдаман. Расмий эълон қилиш вақти келгандагина шундай қилмоқчиман. Исломий сабаблар билан мен яна (аёли ва болалари бўлган) бир кишининг аёли бўлишни ҳам хоҳлайман. У бизнинг никоҳимизни ўз оиласига айтиши керакми? Биз эса ҳеч кимнинг қалбини вайрон бўлишни хоҳламаймиз. Мен ишонаманки, Аллоҳ таоло мени ҳидоятга бошлагани каби сиз ҳам менга тўғри йўлни кўрсата оласиз.

**ЖАВОБ:** Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Сиз ўз Исломингизни хоҳ расмий бўлсин, хоҳ оиласига бўлсин эълон қилишга мажбур эмассиз ва бирон-бир зарар етиб қолиш хавфи бўлганда маҳфий сақлашга руҳсат бор.

Никоҳга келсак, суннатга кўра бу эълон қилинади, чунки расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Никоҳни эълон қилинглар”, -деганлар. (Имом Аҳмад “Муснад”ларида көлтирган, “Саҳиҳ ал-Жамеъ”да ҳасан дейилган, 1072). Агар никоҳ бир шаҳар ёки маконда эълон қилинса бошқа жойда эълон қилинишига ҳожат йўқ, аммо биз никоҳингизни мутлақо яширишларингизни маслаҳат бермаймиз.

Аллоҳ куч-қудрат соҳибидир.

Шайх ал-Мунажжид

## **УНАШТИРИШ ВА НИКОҲ АҚДИ ЎРТАСИДА, НИКОҲ АҚДИ БИЛАН ТҮЙ ЎРТАСИДА НИМА ҚИЛИНАДИ?**

**САВОЛ:** Исломий никоҳда, унаштириш ва никоҳ ақди ўртасида қилинадиган удумлар нималар? Унаштириш билан валийма-тўй ўртасидаги урфларнинг аҳамияти қандай?

**ЖАВОБ:** Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!

Унаштирилган кишининг қаллиғи билан муносабати, кишининг номаҳрам билан қиласиган муносабати кабидир. Никоҳ ақди тамомланмагунча, эркак аёл билан бирор-бир жинсий алоқа қилиши жоиз эмас. Агар никоҳ ақдидан сўнг ва валиймадан олдин бўлиши мумкин бўлган эр-хотин алоқалари ҳақида сўраладиган бўлса, бунга жавоб: улар тўла эр-хотин муомалаларини қилиб кўнгил очишлари мумкин. Ал-Лажна ад-Дайма лиъл-ифтаъи: Фатава Исламийя, 3/154.

Шайх ал-Мунажжид

## 7 - ҚИСМ

### КЎНГИЛДАГИДЕК ТУРМУШ ЎРТОҚ ТАНЛАШ

Барча ҳамдлар Бутун Оламларнинг Парвардигори, Марҳаматли ва дуоларни қабул қилувчи бўлган Зот, Аллоҳга бўлсин ва бизнинг энг севимли Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, оиласига ва асҳобларига Аллоҳнинг саломи, салоти ва розилиги бўлсин!

Бизнинг асримизда никоҳ ҳақида сўз кетганда мусулмонларни ваҳима босадиган бўлиб қолди; никоҳни белгилаш, “энг афзал” жуфт топиш, никоҳнинг молиявий оғирлиги қанча экани ва шу кабилар ҳаёлларни банд қилиб қўяди. Аслида эса, Ислом мана шу муаммоларнинг ечими бўлиб келган. Афсуски, ҳали ҳам миллий урф-одатларимизни Ислом билан аралаштириб келмоқдамиз. Шунинг учун уйланиш эркак кишига роҳат берувчи, ўзига тортувчи амал бўлиш ўрнига энг катта ташвишга айланиб қолмоқда.

Бутунлай бузилган “эркин ҳаёт кечириш” деб мақтаётганлари ғарб жамиятида ёш мусулмонлар аёллар билан аралшиб юриш, юзма-юз бўлиш ва тўқнашишга мажбур бўлиш каби синов ва фитналарга дучор бўлмоқдалар. У, кўчада, матбуотда ва иш жойларида ўзига қаратади тиёлаётган бундай васваса, фитналарга қарши ҳар доим курашмоғи керак бўлади. Мана шу ҳолатда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй йигитлар, ким уйланиш сарф-харжатларига қодир бўлса уйлансин. Чунки у кўзни тўсувчироқ олатни сақловчироқдир. Ким қодир

бўлмаса рўза тутсин. Зеро рўза у учун ахталиқдир.» (Яъни ҳаромга тушиб қолишдан ҳимоядир)-деб марҳамат қилганлар.

Никоҳ (уйланиш) тоғрисида жиддий ўйлаб кўриладиган бўлса, биринчи ўринда ўзингизга қуидаги саволларни беришингиз керак; қанақа аёлни хоҳлайсиз? Исломий ва тинч оила барпо қилиш учун аёлнинг сифатлари қандай бўлиши керак ва уни сиз қандай биласиз?

Биз Аллоҳ таоло ва Унинг расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маслаҳатларига амал қилсак фақатгина муваффақиятга эришамиз.

### **КИМГА УЙЛАНИШ КЕРАК**

Қандай аёлни излаш кераклиги Исломда очиқ-равshan кўрсатилган. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аёл кишига 4 сабабдан бири туфайли уйланилади: Бойлиги, насаби, ҳусни ёки дини учун. Шундай экан, сен диндорига уйланишга ҳаракат қил, барака топгур”-деб марҳамат қилганлар.

Биз қандай жуфт танлашимиз кераклигини бу ҳадис алоҳида таъкидлаган. Агар биз аёлга у диндор, солиҳа бўлгани учун эмас, балки бошқа ҳусусияти учун уйлансан, бизнинг бу никоҳимиз ачинарли ҳолатларга олиб келади. Ҳақиқатан ҳам, ҳусн во жозибадорликдан юз ўгириш қийин, аммо чирой абадий турадиган нарса эмас ва у аёлнинг итоатгўй ва диндор эканлигига кафолат бера олмаймиз.

Бошқа бир ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бутун дунё (инсонга) берилган неъматдир ва дунё матоларининг энг яхшиси солиҳа аёлдир”,-деб марҳамат қилганлар. Тасаввур қилинг! Дунёдаги ҳеч бир нарса солиҳа аёлчалик қадрга эга эмас! Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг яхши кўрадиган уч нарсаларидан бири солиҳа аёл эканини таъкидлаганлар ва бу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонидан кўп марта таъкидланган. Қуидаги оят нозил бўлганда: “Эй иймон келтирганлар! (Аҳли китоблар ичидаги) уламо ва роҳибларнинг кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақлик билан ейдилар ва (одамларни) Аллоҳ йўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни кон (махфий

хазина) қилиб олиб, уларни Аллоҳ йўлида сарф қилмайдиганларга аламли азоб “хушхабар”ини беринг! (Ўша олтин-кумушлар) жаҳаннам ўтида қизитилиб, улар билан пешоналари, ёнлари ва орқалари куйдирилган куни: “Бу ўзларингиз учун сақлаган хазинангиздир. Сақалаган хазинангиз (мазаси)ни тотинглар” (дейилади)” (Тавба:34-35). Умар розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб бу оят саҳобаларнинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолганини билдириллар. Шунда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хазина қилиб йифиладиган нарсаларнинг энг яхиси, қараганда кўзни қувонтирадиган, севимли аёл эканини айтганлар. Умар розияллоҳу анҳу Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан хазина қилиниши керак бўлган нарсаларнинг энг яхиси ҳақида сўраганларида, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳга шукр қилувчи қалб, Аллоҳни ёдда тутувчи (зикр қилувчи) тил ва охират ишларида ёрдам берувчи мўмина аёлга эга бўлишингиз”,-деб жавоб берганлар. Аллоҳ наздида солиҳа аёл қандай қадрга эга эканига бир назар солинг! Шундай аёлсиз киши қандай ҳаёт кечиради?!

## СОЛИҲА АЁЛНИНГ СИФАТЛАРИ

Аллоҳ таоло Қуръонда Ўзи яхши кўрган сифатларни баён қилиб қўйган ва ҳадисларда солиҳа аёлнинг бир қанча ҳақиқий солиҳа эканини билдирувчи сифатлари саналган.

Қуидаги оятларда солиҳа аёлнинг сифатлари берилган, шунинг учун бу сифатларни яхшилаб ўрганиб билиб олинг:

“Покиза аёллар покиза эрлар учундир, покиза эрлар покиза аёллар учундир” (Нур: 26).

“(Аёллар ичida) солиҳалари – бу (Аллоҳга) итоатли, ғоибга Аллоҳ сақлаганича ҳимоятли (яъни, эрларнинг сирлари, мулклари ва обрўларини сақловчи)лардир”. (Нисо: 34).

“Эҳтимол Парвардигори - агар у сизларни талоқ қилса - унга сизлардан яхшироқ жуфтларни - муслима, мўмина (Аллоҳ ва Унинг росулига) итоат этувчи, тавба-тазарру қилувчи, обида (мудом Аллоҳ йўлида) юрувчи жувон ва қизларни алмаштириб берур». (Таҳрим:5) Аҳзоб сурасида Аллоҳ таоло яхши кўрган сифатлар санаб ўтилган. Мазкур сифатлар ҳар бир муслим ва муслимага зарур. Шунинг учун қадрли биродарим, жуфтингизни қуидаги сифатларга кўра танланг:

- Муслима;
- Иймонли (тўғри ақидали);
- Суюкли;
- Ҳақгўй;
- Сабр-тоқатли;
- Камтарин;
- Қўли очик;
- Рўзадор;
- Иффатли;
- Доим Аллоҳга ҳамд айтиш билан банд бўлган аёл;

Энг афзал тўрт аёлдан бири Марям алайҳас-салом ўзининг диний сифатлари билан Аллоҳга суюмли бўлган: “Фаришталар Марямга: “Эй Марям, Аллоҳ сени (фазли учун) танлаб олди ва (ёмон ишлардан) поклади ҳамда сени бутун олам аёлларидан мумтоз этди. Эй Марям, Роббингга итоат эт сажда қил ва рукуъ қилувчилар билан бирга рукуъ (яъни ибодат) қил!”- деганларини эсланг». (Оли Имрон: 42-43)

Яна бир улуғ аёл Фиръавннинг аёли эди: “Аллоҳ иймон келтирган зотлар ҳақида Фиръавннинг аёлинни мисол келтирди. Ўшанда у: “Эй роббим, ўзинг мен учун хузурингда – жаннатда бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин ва мени золимлар қавмидан халос этгин”, деди”. (Таҳрим:11).

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз аёлларини диний сифатлари учун севганлар. Оиша розияллоҳу анҳо онамиз Зайнаб розияллоҳу анҳо онамизнинг чиройли сифатлари ҳақида шундай ривоят қилганлар: “Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам наздиларида мен билан Зайнабнинг дажаларимиз teng эди. Динга содиклик, солиҳалик, ҳар

доим Аллоҳни ёдда тутишлик (зикр қилиш), ҳақгўйлик, қонқариндошлардан хабар олиш, саҳийлик ва ҳаётий амалларда (кундалик ҳаётда) тежамкорлик ва кўп садақа беришда Зайнабдан ўтадиган ва мана шунинг учун Аллоҳга ундан кўра яқинроқ бўлган аёлни кўрмадим".

Сиз бундай аёлни хозир топиб бўлмайди деб умидсиз бўлманг. Ислом ҳақиқат билан шуғулланади хаёлот билан эмас. Комила аёл ўз-ўзидан вужудга келмайди. "Агар уларни ёмон қўрсангизлар, (билиб қўйинки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилур». (Нисо: 14).

## УНИНГ КИМ ЭКАНИНИ БИЛИШ

Солиҳа аёлни топишнинг икки йўл бор. Биринчиси: ўзингизнинг баҳолай олишингиз. "Нур" сурасида, Аллоҳ таоло мўмина аёллардан "Мўмина аёлларга ҳам айтинг, кўзларини (номаҳрам эркакларга тикишдан) тўссинлар ва авратларини (ҳаромдан) сақласинлар ҳамда кўриниб тургандан бошқа зеб-зийнатларини (яъни, устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар" (Нур:31) деб талаб қилди. Агар аёлнинг авратини сақлаётганини, юриш-туришида очиқ эмаслигини (эркаклар ёнида овозини пасайтириш), гўзаллигини яширишга ҳаракат қилувчи эканини сезсангиз, унда бу аёл қимматбаҳо сифатлар эгаси эканини биласиз. Аёлнинг ҳаёсизларча муомала қилаётганини, ҳижобга эътиборсиз эканини, эркаклар билан бемалол, тортинмасдан гаплашаётганини кўрсангиз, ундан ўзингизни узоқроқ тутинг, тезроқ узоқлашинг! Аминманки, уйланганингиздан сўнг хотинингиз ўз севгисини фақат сизгагина (Аллоҳ ва расулига бўлган муҳаббатдан ташқари) бағишлишини хоҳлайсиз, бошқа ўнлаб "энг яхши дўслар"ига эмас албатта.

Оддийгина баҳолаш билан унинг табиати тўғрисида умумий тасаввурга эга бўласиз; гаплашаётганда ўзини қандай тутиши, кўзини қаерга тикаётгани, кийиниши, вақтини нимага сарфлаши ва бошқалар. Кўпроқ энг кучли томонларини изланг ва заиф томонларига катта эътибор берманг.

Унинг ҳатти-ҳаракатларини таъқиб қилиш учун маҳсус бир кузатувчи қўйиб ёки унинг “ёндафттар”ларини ўқиб ундаги ўзингиз хоҳлаган барча нарсани кўришингиз мумкин, аммо эй қадрли биродарим, энг муҳими, ҳали қалбининг қандай ва нима қилмоқчи эканини ҳеч ким билмайди. Кейичалик унинг бадхулқ ёки яна ҳам солиҳа бўлиб қолишини ҳеч ким билмайди! Сизлар бир-бирингизга мос эканингизни ва тинч-осуда, баҳтли ҳаёт кечириб кетишларингни ҳеч ким билмайди. Фақат ва фақат Ёлғиз Аллоҳ билади.

### АЛЛОҲГА ТАВАККУЛ ҚИЛИНГ

Биз динга ўзини бағишилган, одобли, хулқи гўзал аёл қидирамиз. Бироқ биз фақат шу билан ўзимизни (бир-биримизни) никоҳ билан боғлашга ҳаракат қилсак, муваффақиятга эриша олмаслигимиз мумкин. Чунки биз ғойбни билмаймиз.

Аллоҳ таоло Ўзига таваккул қилиб суюнган бандаларини яхши кўради. Биз уйланмоқчи бўлганимизда бу амалимиз Аллоҳга бўлган ихлосимизни ва Унинг чексиз илм ва ҳикматини қай даражада билишимизни шундок кўрсатиб беради.

Ислом уй мисолига ўхшайди. Менинг фикримча, уйни лойсиз ушлаб туриш мумкин бўлмаганидек Аллоҳга таваккулсиз Ислом бўлмайди.

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинган саҳих ҳадисда Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асхобларга уларнинг ҳаётларига таъсир кўрсатадиган, қилмоқчи бўлган ҳар бир ишларида Аллоҳдан яхшилик сўрашни Қуръондан таълим берганларидек таълим берганликлари баён қилинган. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Маълум бир вазиятда нима қилишни билмай иккиланиб турганларингда фарздан ташқари икки ракат нафл намоз ўқинглар ва истихора дуосини ўқинглар”,-деганлар:

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ

يُعْلَمُنَا الْاسْتِخَارَةُ فِي الْأُمُورِ كُلُّهَا كَمَا يُعْلَمُنَا السُّورَةُ مِنْ الْقُرْآنِ يَقُولُ «إِذَا هُمْ أَحَدُكُمْ

بِالْأَمْرِ فَلَيْرَكْعُ رَكْعَتِينِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيْضَةِ ثُمَّ لِيَقُلُّ اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِرُكَ بِعِلْمِكَ وَأَسْتَقْدِرُكَ  
 بِقُدْرَتِكَ وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ إِنِّي تَقْدِرُ وَلَا أَقْدِرُ وَتَعْلَمُ وَلَا أَعْلَمُ وَأَنْتَ عَلَامُ  
 الْغُيُوبِ اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الْأَمْرَ خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي أَوْ  
 قَالَ عَاجِلٌ أَمْرِي وَآجِلَهُ فَاقْدُرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا  
 الْأَمْرَ شَرٌّ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي أَوْ قَالَ فِي عَاجِلٍ أَمْرِي وَآجِلَهُ فَاصْرِفْهُ  
 عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدُرْ لِي الْخَيْرَ حِيثُ كَانَ ثُمَّ أَرْضِنِي» رواه البخاري.

"Эй, Аллоҳим албатта мен Сенинг илминг билан, Сенинг Ўзингдан яхшилик талаб қиласман ва Сенинг қудратинг билан Сенинг Ўзингдан қудрат-қодирлик талаб қиласман ва Сендан Улуғ фазлинг билан сўрайман. Сен албатта Қодир Зотсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳамма нарсани) биласан, мен эса билмайман. Сен ғайбларнида билувчи Зотсан. Эй, Аллоҳим агар мана шу иш (шу ўринда ҳожатини номи билан айтади (яъни, қандай ҳожати бўлса, уйланишми, сафарми ва ҳоказо...) менинг учун динимда, майшатимда ва ишимнинг оқибатида (охирида) — ёки айтсин: ишимнинг ҳозири ва келажагида — яхши эканини билсанг, уни менга тақдир айлаб, муюссар қил сўнг уни менга баракотли қил. Агар бу ишни мен учун динимда, майшатимда (ҳаётимда) ва ишимнинг оқибатида (охирида) — ёки айтсанки: ишимнинг ҳозири ва келажагида — ёмон (хайрсиз) эканини билсанг, у ишни мендан ва мени у ишдан (четга) бургин – йироқлаштири. Қаерда бўлса хам, менга яхшиликни тақдир айла. Сўнг мени бу яхшилик билан рози қил.» Имом Бухорий ривояти.

Мен баъзиларнинг бу дуога эътиборсиз назар билан қарашларидан ажабланаман. Биз ожиз инсонмиз. Зўрға тирикчилик ўтказа олишимизга яраша илмимиз бор, холос. Шундай экан нимага Аллоҳга қайтмаймиз ва муҳтоҷ бўлганимизда ҳам Унинг мукаммал ёрдамини сўрамаймиз. Аллоҳ таоло бандаларининг ҳидоят ва яхшилик учун қилган дуоларини қабул қиласди.

Кўпчилик Истихора тўғрисида нотўғри фикрда. Улар истихора дуосини ўқийдилар-да келажакдаги аёlinи тушларида кўриш ва шу каби ғалати

ҳаёллар билан шошиб ўринларига ётадилар. Бу эса намознинг асл мақсади эмас.

Истихоранинг натижаси турли шаклларда билиниши мумкин. Аввало, ичингиздан келаётган нарсага амал қилинг, яъни ҳозир ҳақиқатдан ҳам шу амални қилишга сизда иштиёқ бўляптими ёки йўқми? Шу билан бирга, ҳодисалар сизга нисбатан манфий ёки мусбатга ўзгараётганига катта эътибор беринг ва ниҳоят, баъзан Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло томонидан неъмат сифатида бир туш билан сийланишингиз мумкин. Шуни ёддан чиқармангки, Истихоранинг натижасини таъқиб қилишингиз керак. Акс ҳолда ўзингиз муҳтож бўлиб Аллоҳдан сўраган нарсангизга, Аллоҳнинг ҳидояти ва яхшилигига қарши чиққандек бўлиб қоласиз. Миянгизни бутунлай тозалаб ташланг, унда аввалдан мўлжаллаб юрган нарсаларингиз (ўрнашиб) қолмасин. Сўнг натижаларни рози бўлган ҳолда таъқиб қилинг. Агар яхши натажаларга эришсангиз, Аллоҳ мени яхшиликка муваффақ қилибди, деб хурсанд бўлинг. Акс ҳолда сиздан ишингизнинг ёмонлигини бургани учун Аллоҳга ҳамд айтинг.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Зайнаб розияллоҳу анҳога совчи юборганларида Зайнаб розияллоҳу анҳо бу таклифни рад этган ва Аллоҳга топширганини билдириб: “Парвардигоримнинг хоҳишини билмагунимча ҳеч нарса қила олмайман”, - деган. Аллоҳ таоло дуоларни қабул қилувчидир. Унинг ёрдам сўраб қилган илтижоларини эшитди ва никоҳни қўллаб-қувватловчи оят нозил бўлди. Росулуллоҳдек зотдан бўлган таклифни рад этганидан ўзимизни йўқотиб қўйишимиз мумкин, аммо у никоҳнинг қанчалик муваффақиятли бўлишини ёлғиз Аллоҳгина билишини кўрсатиб берди, холос. Бу амалининг мукофоти сифатида ушбу никоҳни маъқулловчи жавоб муқаддас китобимиз – Қуръони Каримда агадул-абад тиловат қилинадиган бўлди.

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Оиша розияллоҳу анҳога: “Мен сизни уч кеча бир фаришта ипак либосда менга олиб келиб: “Марҳамат, бу сенинг хотининг”, - деганини ва юзингни очганимда бу сиз эканингизни тушимда кўрдим. Шундан сўнг мен: “Агар бу Аллоҳдан бўлса, У зот буни рўёбга чиқаради”, -дедим, - деган эдилар.

Уйланиш жиддий масала бўлиб тўғри ёндашишни талаб қиласди. Агар уйланиш иймонимизнинг ярмини тўлдирса, энг яхши яrimни ким хоҳламайди?! Агар аёлга нотўғри сабаблар билан уйланилса, бу фақатгина бир мусулмон оиланинг заифлашувига олиб келади. У сизнинг

умр йўлдошингиз ва фарзандларингизнинг онаси ва тарбияловчиси эканини яхшилаб ўйлаб кўринг. Унга дунёвий бойлиги учун эмас, балки ундаги Исломий илм ва ҳикмат учун уйланинг. Дунёвий бойлиги учун уйлансангиз унинг обрўси бу дунёдадир. Шунинг учун Аллоҳ ҳузурида обрўси боридан танланг. Ҳусн бу юзакидир, аммо иймон гўзаллиги чексиздир.

Аллоҳдан аёл сўраётганингизда, бизга буюрилгани каби, Унга ўзининг энг гўзал Ислами билан мурожат қилинг: “Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас Уни ўша Ислам билан чорланглар”

Севимли, солиҳа жуфт сўранг, шоят ўшанда: “Парвардигоро, хотинларимиздан ва зурриётларимиздан бизларга кўз қувончини баҳш эт ва бизларни тақводорларга пешво қилгин». (Фурқон, 74) деб дуо қилувчилардан бўлсангиз.

Аллоҳга таваккул қилинг дейишдан бошқа хулоса келтира олмайман. Аллоҳнинг биз учун битиб қўйган тақдирига ва Унинг бизга ёрдам беришига ишонишингиз ва Унга суюнишингиз шарт. Аллоҳ таоло айтади: “(Бирор ишга) азму қарор қилсангиз Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳ таваккул қилувчиларни севади». (Оли Имрон: 159).

«Сиздан (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), бандаларим Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиласман. Бас, улар ҳам Менинг (даъватларимни) ижобат (қабул) этиб, Менга иймон келтирсинглар, шояд шунда тўғри йўлга тушсалар». (Бақара: 186).

## 8 – ҚИСМ

### ИЛОВА-1 ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МУВАФФАҚИYATLI ЭР БЎЛИШ МУМКИН

- Аёлингиз учун чиройли кийининг, ҳар доим тоза ва ҳушбўйланган ҳолда бўлинг. Эр аёлни ҳар доим чиройли кўринишини хоҳлагани каби аёл ҳам эрини у учун кийинишини хоҳлайди. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар доим уйларига қайтганларида тишларини мисвак билан тозалашдан бошлардилар ва ҳушбўйланишни яхши қўрадилар.

- Аёлингизга уни эркалайдиган номлар билан мурожат қилинг. Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари учун, улар яхши кўрадиган алоҳида номлари бор эди. Аёлингизни у энг яхши кўрадиган номлар билан чақиринг, унинг қалбини оғритадиган номларни айтманг.

- Аёлингизга пашшага қилинадиган муносабатда бўлманг. Чивин бизни “чақиб олмагунича” у ҳақда ҳеч ҳам ўйламаймиз. Худди шунга ўхшаш, аёл ҳам кун бўйи тинмайди, то у эрини “чақиб оладиган” бир иш қилмагунича эр унга эътибор бермайди. Унга бундай муносабатда бўлманг; у қилган ҳар бир яхшиликларнинг фарқига боринг ва эътибор қаратиб туринг;

- Агар аёлингизнинг хатосини кўрсангиз жим туришга ҳаракат қилинг ва уни хафа қилманг! Бу Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг усулларидир: аёллари (розияллоҳу анхунна) томонидан бирор-бир номаъқул нарсани кўрсалар мана шу усулни қўллардилар. Бу жуда ҳам озчилик биродарлар уддалай оладиган усулдир.

- Ҳар доим аёлингизни кўрганда табассум қилинг ва уни қучоғингизга олинг. Табассум садақадир ва аёлингиз бунга энг ҳақлидир. Аёлингиз сизни ҳамиша табассумда кўргадиган ҳаётни бир тасаввур қилинг! Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга чиқиб кетаётганларида аёлларни бир ўпариб қўярдилар, ҳатто рўза тутган бўлсалар ҳам.

- Аёлингизнинг сиз учун қилган ишларига ташаккур билдиринг!

Аёлингиз таом тайёрлайди, уй тозалайди ва шунга ўхшаш ўнлаб бошқа ишларни қилади. Баъзан унинг барча қилган бу ишлари учун оладиган рахмати: “Овқатни тузи кам бўлиб қолибди”, - деган сўз бўлади.

Аёлингизга нима роҳат берадиганини ўзингиз фарқлаб олишингиз қийин. У билан топишмоқ ўйнашга мажбур эмассиз, ундан сўранг ва ҳаётингизда ўша ишларни такрорлаш учун ҳаракат қилинг.

- Унинг хоҳишлиарини кичик санаманг. Аёлингизни таъминлаб қўйинг.

Баъзан эркаклар аёлларининг талабларига паст назар билан қарайдилар. Бу ҳолатда ҳам Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўрнақдирлар. Софийя розияллоҳу анҳога секин юрадиган туже бериб қўйилгани учун йиғлаётганларида Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг қўз ёшларини артдилар ва унга бошқа туже келтириб бердилар.

- Хушчақчақ бўлинг ва аёлингиз билан ўйинлар ўйнанг. Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чўлда Оиша розияллоҳу анҳо билан қувалашмачоқ ўйнаганлар.

- Ҳар доим, Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларини ёдда сақланг: “Сизларнинг энг яхшиларингиз, аҳлига яхши муносабатда бўлганларингдир. Сизларнинг ичингларда аҳлига энг яхши бўлгани менман». Эрларнинг энг яхиси бўлишга ҳаракат қилинг!

Аллоҳ азза ва жалладан турмушингизни ширин қилишини сўранг.

## **ИЛОВА-2: АЁЛИНИГИЗНИ ҚАНДАЙ ХУРСАНД ҚИЛАСИЗ**

Қуидагилар шайх Муҳаммад Абдулҳамид Ҳомидийнинг “Аёлингизни қандай хурсанд қиласиз?” номли китобининг хulosасидир.

Чиройли кўришиш: ишдан, офисдан, саёҳатдан ва шу каби бирор турли айрилиқдан сўнг кўришганда:

- Яхши, илиқ саломлашиш билан бошланг;
- "Ассаламу аълайкум" билан бошланг. Салом бериш бу суннат ва аёлингиз учун энг яхши дуодир;
- Унга қўл бериб кўришинг ва ёмон хабарларни кейинга қолдирин.

### **Ширин сұхбат:**

- Сұхбатлашаётганда ижобий сўзларни танланг ва салбийларидан сақланинг;
- Дона, дона гапиринг ва агар керак бўлса гапингизни у яхши англаб олгунигача тақрорланг;
- Аёлингизга у ёқтирадиган чиройли номлар билан мурожаат қилинг.

### **Улфатлашиш ва бўш вақтларни бирга ўтказиш:**

- Бўш вақtingизни аёлингиз билан сұхбатлашишга бағишлиланг;
- Унга яхши янгиликларни етказинг;
- Энг яхши хотираларингиз аёлингиз билан бирга бўлишини ҳар доим ёдда сақланг;

### **Ўйинлар ва кўнгил очиш:**

- Аёлингиз билан ҳазиллашинг;
- Спорт ёки бошқа бирор нарсада аёлингиз билан ўзаро мусобақалашинг ёки ўйнанг;
- Мункаротлардан холий бўлган дам олиш жойларига олиб боринг;

### **Уй ишларида ёрдам бериш:**

- Аёлингиз томонидан илтимос бўлишидан олдин айрим ишларни ўзингиз билиб қиласверинг, хусусан, аёлингиз чарчаган ёки касал бўлиб қолган пайтларда.

### **Маслаҳатлашиш:**

- Асосан оиласавий ишларда;
- Аёлингизнинг сиз учун муҳим бўлган қарашлари тўғрисида ўз фикрингизни билдиринг;
- Унинг фикрларини дикқат билан ўрганиб чиқинг;
- Ўз фикрлари билан сизга ёрдам бергани учун аёлингизга миннатдорчилик билдиринг.

### **Зиёратларга бориш:**

- Алоқа қилиш учун энг яхши одамларни танланг. Қариндошлар ва солиҳ кишиларни зиёрат қилувчиларга катта ажлар ваъда қилинган;
- Зиёрат давомида Исломий одобларга катта эътибор беринг;
- Аёлингиз хоҳламаган кишини зиёрат қилишга аёлингизни мажбуруламанг.

### **Сафарга кетаётган бўлсангиз:**

- Илиқ хайрлашинг ва яхши насиҳатлар қилинг;
- Сиз учун дуо қилишини сўранг;
- Солиҳ қариндош ва дўстларингиздан сиз йўқлигингизда оилангиздан хабар олиб туришларини илтимос қилинг;
- Эҳтиёжларига етадиган даражада пул билан таъминланг;
- Қаерда бўлишингиздан қатъий назар аёлингиз билан хабарлашиб туринг: телефон, э-майл, хат ва ҳ.к. орқали;
- Иложи борича тезроқ қайтишга ҳаракат қилинг;
- Аёлингизга ҳадя олиб келишни унутманг;
- Кутимаган вақт ёки кечаси қайтиб келишдан сақланинг;

-Агар иложи бўлса аёлингизни ҳам бирга олиб кетинг;

### **Молиявий ёрдам:**

- Эр аёлига қилган ҳар бир инфоқи учун ҳатто аёлига едирган бир луқма нони учун ҳам ажр олади (ҳадис);
- Эр аёли сўрашидан олдин ўша нарсани тайёр қилиб қўйишга қаттиқ ҳаракат қилиши керак;

### **Хушбўйланиш ва жисмоний гўзаллик:**

- Қўлтиқ ости ва бошқа жойлардаги тукларни тозалашда суннатга амал қилинг;
- Доим тоза-пок бўлинг;
- Аёлингиз учун хушбўйланинг;

### **Жинсий алоқа:**

- Агар бирор бир узрингиз (касал ва ҳ.к) бўлмаса, буни тез-тез амалга ошириб туришингиз вожибdir;
- "Бисмиллаҳ" ва маъсур дуолар билан бошланг;
- Фақат рухсат берилган жойига алоқа қилинг;
- Аввал ўйнашиш ва ишқий сўзлар билан бошланг;
- Аёлингизнинг шаҳвати қонгунигача давом этинг;
- Бўлгандан сўнг дам олинг ва ҳазиллашинг;

-Ойлик даври давомида (хайз кунлари) қўшилишдан сақланинг,  
чунки бу ҳаром қилинган;

-Иложи борича аёлингизнинг ҳаёсига зарар етказмайдиган  
нарсаларни қилинг;

-Қўшилиш учун энг маъқул вақт ва жойни танланг.

-Баъзан аёлингиз касал ёки чарчаган вақтларда унинг кўнглига  
қаранг.

#### **Сир сақлаш:**

-Ётоқ сирлари, аёлингизнинг шахсий муаммолари ва бошқа шахсий  
маълумотларни бошқаларга айтишдан сақланинг.

#### **Аллоҳга итоат қилишда ёрдам бериш:**

-Аёлингизни кечанинг охирги учдан бир қисмида “қиёмул лайл”  
намозига уйғотинг;

-Қуръон ва унинг тафсиридан билғанларингизни аёлингизга ҳам  
ўргатинг;

-Эрталаб ва кечки зикр-дуоларни ўргатинг;

-Аллоҳ йўлида пул сарфлашга унданг;

-Қурбингиз етса, аёлингизни ҳам ҳаж ва умрага олиб боринг.

#### **Аёлнинг оиласи ва дўстларига ҳурмат қўрсатиш:**

-Аёлингизни ота-онаси ва қариндош-уруғларини зиёрат қилишга  
олиб боринг;

- Уларни аёлингизни зиёрат қилишлари учун таклиф қилинг ва яхши кутиб олинг;

- Муносабатларда уларга ҳадиялар беринг;

- Улар (молиявий) ёрдамга муҳтож бўлганда ёрдам беринг;

- Агар аёлингиз сиздан аввал вафот этса, унинг оиласи билан яхши қариндошлиликни сақлаб қолинг. Шу билан бирга бундай вазиятда эр суннатга амал қилишга ҳаракат қилиши керак, яъни аёли тириклик пайтида оиласи ва дўстларига нималар бериб турган бўлса вафот этгандан сўнг ҳам шу нарсаларни ўз вақтида бериб туриши керак.

### **Исломий тарбия ва насиҳат:**

Бу қуидагиларни ўз ичига олади:

- Ислом асоси;
- Бурч ва ҳуқуқлар;
- Ўқиш ва ёзиш;
- Дарс ва илм мажлисларига қатнашишга ундаш;
- Аёлларга таллуқли Исломий ҳукмларни ўргатиш;
- Уй кутубхонасига Исломий китоблар ва кассеталар сотиб олиш;

### **Рашк:**

- Уйдан чиқишидан олдин ҳижоб кийишини таъминланг;

- Номаҳрам эркаклар билан эркин аралашиб юришига рухсат берманг;
- Ортиқча рашқдан сақланинг;

#### **Бунга мисоллар:**

- Аёлингиз гапираётганда ҳар бир сўз ва гапларини таҳлил қилиш ва бошқа маънода гапирган гапларига кўп эътибор бериб бошқа маънода тушуниш;
- Зарурий сабаблар бўлганда ҳам уйдан ташқарига чиқишига рухсат бермаслик;
- Телефонга жавоб беришини тақиқлаш ва ҳ.к.

#### **Сабр ва ҳалимлик:**

- Турмушда муаммолар бўлиши оддий ҳол. Аммо мана шу муаммоларни ортиқча гап-сўз қилиш ва катталаштириш билан турмушнинг бузилишигача олиб бориш нотўғридир;
- Ғазабни Аллоҳ таолонинг ҳудудларини бузгандагина кўрсатиш лозим, яъни намозларни вақтидан кечиктирганда, ғийбатга берилганда, телевизорда рухсат берилмаган кўрсатувларни томоша қилганда ва ҳ.к.;
- Сизга нисбатан қилган хатоларини кечиринг;

#### **Хатоларини тўғрилаш:**

- Энг аввал бир неча марталаб билвосита ва кейин бевосита насиҳатлар қилинг;

- Сўнг ётоқда аёлингизга тескари қараб ётиб олинг. Бу дегани ётогингизни бошқа хонага ёки бошқа уйга кўчириш ёки у билан гаплашмасликни ўз ичига олади дегани эмас;

- Энг сўнгги ечим, аёлингизни лат едирмайдиган қилиб уриб қўйиш.

Бу ҳолатда эр қуидагиларни ёдда сақлаши лозим:

- Уришдан сақланиш суннатга мувофиқdir. Чунки Росулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон аёлларини ёки ҳизматкорларини урмаганлар;

- Эр бу усулни аёли ортиқча итоатсизлик қилган пайтда қилиши мумкин. Яъни бирор бир сабабсиз доим жинсий алоқани рад этса, намозни доим вақтидан кечиктириб ўқиса, рухсатсиз уйдан узоқ муддатга чиқиб кетса ва қаерда бўлганини айтишдан бош тортганда ва ҳ.к.;

- Буни ётоқда тескари қараб ётиб олишдан ва Қуръонда келган бошқа ҳолатлардан сўнггина қилиш лозим;

- Эр аёлни оғритадиган ёки зарар етадиган даражада, юзига ёки танасининг бошқа нозик жойларига урмасин;

- Камар (ёки бошқа нарсалар) билан уриб, аёлнинг баданини кўкартиришдан сақланиши лозим.

### **Кечириш:**

- Аёлингизнинг фақат катта хатоларинигина ҳисобга олиб қўйинг;

- Сизга нисбатан қилган хатоларини кечиринг, аммо Аллоҳнинг ҳаққини адo этишдаги хатоларини ҳисобга олиб қўйинг;

-Хато қилишидан қатъий назар унинг барча яхшиликларини ёдда тутинг;

-Ҳар бир инсон кўп хато қилувчи эканини эсдан чиқарманг, шундай экан бундай ҳолатларда узрлар топишга ҳаракат қилинг. Бу хато аёлингизнинг чарчагани, хафалиги, хайз вақти ёки Исломга бўлган кучли эътиқоди туфайли бўлгандир;

-Аёлингизни яхши овқат қилмагани учун тергаманг, чунки Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларини ҳеч қачон ушбу сабаб билан айбламаганлар ва таом ҳақида ҳеч нарса демаганлар;

-Хатосини айтишдан олдин унга киноя билан билдиришга ҳаракат қилинг, чунки тўғридан-тўғри айтишдан кўра бу афзалдир;

-Ҳақорат ва унга қаттиқ ботиши мумкин бўлган сўзларни ишлатишдан йироқ бўлинг;

-Бирон-бир муаммо тўғрисида баҳслашиш керак бўлиб қолса, бошқалардан ҳоли қолгунингизча кутиб туринг;

-Ғазабингизни кетишини кутинг, чунки бу, сўзларни мувозанатда тутиб туришга ёрдам беради.

Сўзимизнинг сўнгигида Аллоҳга ҳамду санолар айтамиз.